



Ўзбекистонда “чегаралар” кучли ишлайди. Ижод қиламан деган одамлар учун бир қанча тўсиқлар қўйилган. ТВ, радио, журнал ва газеталарда қишлоқлар ҳаёти, дайди инсонлар, ҳақсизликка учраётган кишилар, муаммолар ҳақида ёзиш мутлақо мумкин эмас. Ёзилаётган бадий асарларда қаҳрамонларга давлат раҳбарларининг исмлари, хусусан Ислом, Абдуғани,



ошқора танқид қилган ва шунинг учун калтаклаб ўлдирилган шахсдир.

“Мана, истиклол шарофати билан бунёдкорлик ишлари авж олган... Коллежлар қуриляпти... Чексиз пахтазор. Ўртада бир бино бор. Бу – янги қурилган коллеж. Унга кирасиз. Коллеж бўм-бўш! Чунки ўқувчилар даладаги пахтани тергани чиқиб кетишган. Коридорларда эса битта одам сизга қараб

ТЕСТ ТИЗИМИ: КАРИМОВНИНГ ХИЁНАТИДИР, ШУНИНГДЕК, “ДИЗАЙН-ШОУ” МОЖАРОСИ

Карим, Шавкат, Рустам, Иноят каби номлар қўйиш тақиқланган. Бу борада киноларга алоҳида диққат қилинади.

Адабиётшунослар хорижда яшаб ўзбек тилида ёзаётган шоир ва адиблар ҳаётини тадқиқ қила олишмайди, чунки уларнинг аксари Каримов ҳукуматига муҳолиф; Навоийнинг ижодини ўрганишар экан, Жомий ҳақида очик-ошқора гапириш тақиқланган, чунки Жомий тожик; фалончи одам чет элда докторлик ёқлагани учун давлат таълим муассасасида ишлай олмайди; фалончи сокол қўйган, у ваҳхобий – қисқаси, бу каби мисоллар тикилиб ётибди. Бугун Ўзбекистонда журналистлар учун асосий икки мавзу бор:

1) жонажон ҳукуматнинг “адолатли” ислоҳотлари. Мустақул Ўзбекистон ҳукуматининг, 25 йилдирки, ислоҳотдан боши чиқмайди, Президентга ислоҳот ўтказиш касали теккан, вақтида даволанмагани учун бу сурункали дардга айланган, чунки Каримов 25 йилки, ҳамма соҳани тубдан “модернизация қилади”, “ислоҳ этади”, аммо орадан бир-икки йил ўтиб яна “модернизация қилади”, яна “ислоҳ этади”. Бир одам йўқки, нега ислоҳотлар тўхтамайди деб сўрайдиган. Бир одам йўқки, модернизацияга мажбуран эришилмайди, у рўй берадиган

жараён дея оладиган. Журналистлар ушбу “қайноқ ҳаётни”, “бахтиёр ҳаётни” мадҳ қилишга масъул қилиб тайинланишган.

2) отарчилар, қизиқчилар ҳаёти. Бугун ўзбек тилидаги сайтлар, хусусий газеталар фақатгина қўшиқчилар ҳаётини – тўшагидан тортиб емагигача муҳокама қилади. Бу – Ғарбда ҳам кузатиладиган ва аслида Ғарбдан олиб кирилган бир вабо каби эпидемиядир. Аммо учинчи йўл йўқ. Шу икки йўлдан юрган журналист учун нон бор. Шоуларда, мақолаларда артисларни “уриб чиқишади”, аммо ўзлари улар учун имкониятлар яратиб беришади. Артисларни ахлоқ бузишда айблашади, аммо ўша журналистлар ўзи танқид қилган артиснинг кўчирма қўшиқларини эшитиб, клипларини томоша қилиб яшайди. Мамлакатда олиб борилаётган сиёсий бошқарув, одамларнинг қалбини ўртаётган чинакам азобу дардларга кўз юмилади, бугун тизим фақат масхарабозликдан иборат экани эл кўзидан яширилади. Буни айтишга журъат қилиш – ўлимга тенг.

Ўзбекистонда қизиқчилик санъати ривожланган. Ҳа, айни маънода ривожланган. Саҳнага чиқиб одамларни кулдирадиган “сўз усталари” анчагина. Улар ичида Ҳожибой Тожибоев ўз ўрнига эга эди. У Каримовни

туради. Бу – сувратдаги давлатимиз раҳбаридир”.

Ҳожибой Тожибоев айни шу гапни қатта концертларидан бирдан айтган, бу гап ўз вақтида тарқалган, аммо кўп ўтмасдан қатл этилди. Унинг ўлимини жигар циррози билан изоҳлашди. Аслида, уни калтаклаб жигарини эзиб юборишган, қон қусдиришган эди.

Шундан сўнг тирикчилиги одамларни кулдиришдан бўлган бошқалар сергак тортиб қолишди. Улар – Мирзабек Холмедов, Обид Асомов, “Ҳандалак” гуруҳи эди. Мирзабек Холмедов ва унинг состави асосан эротик латифалари билан танилган. Обид Асомов ҳам беҳаёликда ундан қолишмайди. Лекин у ҳам баъзи жойларда танқидий гапларни айтди, Россияга борганда ўзбек миллати шаънига номуносиб сўзларни сўзлади ва уни ҳам калтаклашгани ҳақида гаплар болалаган эди. Бугун у ҳам, гарчи “запретда” бўлса-да, ҳамма қатори нонини еб юрибди. Унинг доимий ҳамкори Юлдуз Усмонова бўлиб қолмоқда.

Юлдуз Усмонова ўз машхурлигининг дастлабки йилларида Каримовни кўп мадҳ этди, шунда унинг бу хизматлари эвазига барча эшиқлар очиб берилди. У артислар орасида

(Давоми кейинги саҳифада)

(Давоми: Боши олдинги саҳифада)

уюшган гуруҳ тузди. Эҳтимол, бу унинг учун берилган топширик эди. Эҳтимол, Юлдуз орқали артислар ҳукумат назоратида тутиб турилиши лозим эди. Бироқ Юлдуз шон-шухратни кўтара билмади, натижада, Каримовга нисбатан бир қанча одобсизликлар қилиб, ҳайдалди. Бугун у расмий байрамларда қўшиқ айтиш учун қўлидан келганча ҳукуматга ялтоқланиш билан банд.

Мустақилликнинг илк йилларида талаба ёшларнинг фаоллиги ҳукуматни қаттиқ кўрқитган эди. Шунинг учун уларнинг шаштини синдириш ҳамда фаолликдан ҳаракатсизликка ўтказиш лозим эди. Бунинг учун Каримовнинг стратегияси асосида иш бошланди: ўтган йигирма йил давомида университетлар иктидорсиз талабалар билан тўлдирилди.

Бу қандай рўй берди? Аслида, Республикада жорий қилинган тест тизими – билимли ёшларни саралашни эмас, энг иктидорсизларни университетга олиб кириш учун ўйлаб топилган ўйин эди. Чунки ўша пайтда бундан бошқача йўл тутиш ҳам мумкин эди. Бу тактика иш берди: одамлар ўз хоҳишлари билан Давлат имтиҳонида тушадиган тест саволларини олдиндан сотиб олишга ўргандилар, тест иктидорлиларни саралайдиган эмас, балки уларни йўқ қиладиган восита бўлиб унумли хизмат қилди. Шунингдек, тест орқали Каримов ҳукумати яна бир нарсани чуқур режалаштирган эди: тестга тайёргарлик кўриш ёшларнинг нутқини ўлдиради. Нутқи ўлган ёшлар эса ўз ҳақини талаб қилишда фаол бўлмайдилар. Шунинг учун сўнгги йигирма йилда улғайган авлод соқовдир. У фақат тест ёд олган. Ўзбекистоннинг аҳмоқона ва маккорона тестларига кўнмаган ёшлар хорижий давлатларга чиқишни афзал кўришган.

Ҳар йили биринчи август куни хўжақўрсинга тест жараёнида кузатувлар уюштирилади, ТВ, радио имтиҳонларни ҳалол ўтказмоқ ҳақида бонг уради, аммо барибир ўша-ўша. Одамлар халқимизнинг ўзи пора беради, биз ўнгламайдиغان миллатмиз деб ўзлари устидан ўзлари ҳукм берадилар. Аслида, тестларнинг сотилиши ва ўқишга, илмга лаёқати бўлмаган, характерсиз ва суст ёшларнинг университетларга



киришлари шахсан Каримов учун манфаатлидир. Шунинг учун у шахсан ўзи бош бўлиб мамлакат олий ўқув юрларини ярқисиз талабалар билан таъминлаб келмоқда. Агар чинакам истейдод эгалари талабаликка эришса, улар бир куни келиб бу чирик тузумни ағдариб ташлашдан ҳам тоймайди.

Яна такрор айтамыз: Ўзбекистон олий ўқув юрларига тест тизими жорий қилиниши – Каримов томонидан Ўзбекистон халқи, ўзбек миллати учун қилинган кечирилмас жиноят, улкан хиёнатдир. У бу орқали бутун миллат устига умуман лаёқатсиз ва иктидорсиз кадрларни олиб чиқди. 25 йил ичида етишиб чиққан барча кадрларнинг сифатсиз, хумкалла эканлиги сабаби шудир.

Яқинда Ўзбекистонда “Дизайн” номи билан танилган кизикчилар гуруҳининг концерт дастури интернетда ҳамда сотувда диск шаклида тарқалиб кетди. Сўнг тўсатдан бу концертга танқид тошлари ёғдирилди.

Биз концертни кўрдик ва унда ҳаммаси “жойида” эканлигини кўрдик, яъни одатдаги эротика ҳамда ҳажв. Аввалги концертларида қандай бўлса, бунда ҳам шундай. “Дизайн” жамоаси аввалги концертларида кўтарган бир муаммони бу сафар яққол кўрсатиб берган экан: колхоз раиси ва уларнинг хорижлик меҳмонларни кутиб олишга тайёргарлик кўриш лавҳаси. Бу лавҳада колхоз аъзолари ўзларининг ношудлиги фош бўлган. Колхоз раиси эса манқаланиб гапиришдан – бақиришдан нарига ўтмайдиغان нодон. Барча аъзолар

бефаҳм. Бу жамоа худди шундай саҳналарни аввалдан намойиш қилиб келади. Бу сафар эса масала ойдинлашган: колхоз раиси тимсолида ҳар қандай ақлли одам Каримовни кўриши мумкин. Бу кичик лавҳада Республика сиёсати шарманда қилинган. Эҳтимол, буни гуруҳ кизикчилари ҳисобга олишмагандир, лекин гап колхоз ҳақида кетса-да, вазият бугунги кунни ифодалар эди. Концертдаги яна бир саҳналардан бирида пародия қилинган “қўшиқчи” бир бузук хотинни кига борганда “участкавой” уни ушлаб кетгани ҳақида гапирган. Бу саҳна орқали яқинда шов-шув бўлган хунук воқеа – Тошкент шаҳрида бесоқолбозларни “участкавой”лар томонидан тутиб олинишига ишора эди. Маълумки, бу воқеа муҳолифат сайтларида ва муҳолиф журналистлар томонидан ёритилган эди. Ана шу икки саҳна сабабли юқоридан бу концертни танқид қилиш амри берилган бўлиши керак.

Концерт аввалида гуруҳ аъзоларидан бири “Ўзбекнаво” бизнинг концерт учун мўлжаллаган гоғларимизни рад этади дея уларнинг эрки ўз қўлларида эмаслигига ишора қилиб кетган ҳам эди.

Кўриб турганингиздек, Ўзбекистон ҳукумати учун танқидчилар, муҳолифат мутлақо керак эмас. Ҳукуматни ахлоқ ҳам, халқнинг ахлоқи ҳам кизиктирмайди, уни фақат одамлар устидан чексиз ҳукмронлик қилиш кизиктиради.

Абдуллох Нусрат



Халойиқ: ҚЎЗҒАЛИНГ!

Яқингинада қўлимга Ўзбекистон Республикаси Ички ишлар (собик) вазири) Б. Матлюбовнинг бир БУЙРУҒИ тушиб қолди. Бу 71-сонли буйруқ дейиларкан.

Номи ҳам узундан-узун: “Ўзбекистон Республикаси фуқароларининг Тошкент шаҳри ва Тошкент вилоятида доимий прописка қилиш тартиби тўғрисидаги йўриқномани тасдиқлаш ҳақида”. Собик вазири бунингдек “фатво”ларини 2012 йилнинг 1 май куни берган экан.

Энг ҳайратланарлиси, мазкур буйруқ Ўзбекистон Республикаси Конституциясини инкор этувчи, оёқ ости қилувчи буйруқ эканлиги билан ажралиб туради: Ўзбекистон фуқароларининг эркига, ҳақ-хуқуқларига, ҳаракатланиш ҳуқуқига, мулкни бошқариш ҳуқуқига раҳна солувчи буйруқ эди бу.

Қисқасини айтганда, кейинги йилларда Тошкент шаҳри ва Тошкент вилоятига доимий ва ё вақтинча рўйхатга қўйиш тартиби борасидаги қонун-қоидалар, буйруғу қарорлар баҳорги кўзқориндек кўпайиб кетди.

Келинг, гап кўпам чувалашиб кетмасин учун, биргина “Тошкент шаҳрига доимий ва ё вақтинча прописка қилиш тартиби”нинг биргина жиҳатига тўхталиб қўя қолайлик:

Хукуматнинг нуфузли вазириликлари чиқарган мантқиқсиз фармону қарорларга асосан, нима эмиш, фақатгина давлат (у ҳам бўлса рўйхатга киритилган давлат ташкилотлари!) ташкилотларида ишлайдиган фуқароларгина Тошкент шаҳрига доимий ва

ё вақтинчалик пропискага қўйишлари мумкин эмиш!

Хотамтойликни қаранг!

Яна нима эмиш?!: Доимий ва ё вақтинча рўйхатдан ўтиш учун иш жойидан маълумотнома келтириш шарт эмиш!

Энди бунингдек маълумотнома бозлигу хотамтойликни озгина таҳлил ва тафтиш қилиб кўрайликчи?

Умуман олганда, доимий ва ё вақтинчалик пропискани бўлмаган фуқарони Тошкент шаҳрида бирор бир ташкилотга ишга қабул қилишадими? Асло! (Бундан Сенаторлар, Олий Мажлис депутатлари, Президент кўрсатмаси билан курсига ўтирган амалдорлар мустасно, албатта) Мабодо, қабул қилишгудек бўлса, онасини Учқурғондан кўртасишади! Буни Ўзбекистондаги 7 яшар бола ҳам билади-ку!

Тошкент шаҳрида доимий пропискани бўлмаган фуқарони ишга қабул қилинганлиги тўғрисида паспорт столига қай бир қорхона маълумотнома бера оларди? Бунинг учун мазкур ташкилот раҳбарининг кўксига битта эмас, камида учта юрак тепиб туриши керак эмасми?

Негаки, махсус хизматнинг ТАЪМАТАЛАБ тезкор ходимлари ўша соатнинг ўзидаёқ маълумотнома берган ташкилот эшигида ҳозир нозир бўлишади: “Марҳамат қилиб айтингчи, нега хукумат қарорларини бузмоқдасиз? Нечук доимий, ва ҳатто вақтинчалик пропискани йўқ шахсни ишга олмақдасиз? Бунингдек ноқонуний ҳаракатни қанча соққа эвазига амалга оширмоқдасиз?”... Хуллас, саволларининг кети кўринмайди.

Бу адоғсиз саволлар занжири топган-тугганини махсус хизмат ходимларига қўшқуллаб тутмаган раҳбарни кишанбанд қилиб то қамоққа қадар элтиши ҳам мумкин!

Шундай экан, “Фақатгина давлат ташкилотларида ишлайдиган шахсларгина доимий ва ё вақтинчалик прописка қилинади” деган лабиринт хотамтойликнинг кимга кераги бор! Хукумат бошқаруви идораларининг бунингдек лобирент “саховатпешалик”лари шунақанги чалкашки, ичига бош суқсангиз, адашиб қолиб, эсингиз оғиб қолиши ҳеч гап эмас.

Бу – масаланинг бир томони.

Иккинчи бир, ўта муҳим жиҳати ҳам борки:

ХУКУМАТ НЕГА ХАЛҚНИ КОНСТИТУЦИЯ ТАЛАБЛАРИГА ЗИД ТАРЗДА ТАБАҚАЛАРГА АЖРАТМОҚДА?

Ўзбекистон фуқароларининг пойтахт Тошкентга келиб яшаш ва хусусий мулк сотиб олиш ҳуқуқини чекловчи фармону қарорлар, хусусан, Ички ишлар вазирининг “Давлат қорхонасида ишлайдиган фуқароларгина Тошкент шаҳрига доимий ва ё вақтинча рўйхатдан ўтишлари мумкин” деган мазмундаги буйруғи, (очиғи, буларни ШАРТ десак тўғрироқ бўлади) Конституциянинг 18-моддаси (Ўзбекистон Республикаси Конституциясининг 18-моддасига қаранг)га хилоф эмасми? Барча давлат ташкилотларида ишловчи фуқароларгина Тошкент шаҳрига доимий ва ё вақтинча рўйхатдан ўтишлари мумкин экан-да деб тушунманг, бунингдек бемаъни қарору буйруқларда айрим давлат ташкилотлари назарда тутилган, холос.

Ана, энди ўзингиз ўйлаб кўринг:

Бундан чикдики, халқнинг ўзи сайлаб қўйган СЕНАТОР (Сенаторга, Олий Мажлис депутатига доимий ва ё вақтинча прописка мумкин) хукумат расмийлари наздида – ОДАМ. Уни сенатор даражасига кўтарган, сайлаб қўйган халқ эса Одам эмас. Ҳарбийга ҳамма нарса мумкин. Ҳарбийга пойтахтга прописка қилиш ҳуқуқи берилган! Аммо ҳарбийни дунёга келтириб қўйган ота-онасига ҳеч нарса мумкин эмас! МХХ зобити олий насаб, Тошкентга прописка қилишга ҳақли! Бироқ унинг қондошлари

(Давоми кейинги саҳифада)

(Давоми: Боши олдинги саҳифада)

ишсиз бўлганлиги сабабли ҳам одам қаторида саналиши мумкин эмас! Ҳокимият идораси вакили, Тошкентда яшашни истайсизми, марҳамат! Аммо, лекин сизнинг қишлоқи қариндошингизга пойтахтдан уй олиш ҳақида ўйлаш, прописка қилишни орзу қилиш ҳам мумкин эмас. Ўрта маълумотлилар, чилангар, тракторчи, сувчи, этикдўз, дурадгор, нафақахўр – ҳукумат расмийлари тасавурида, ҳеч ким эмас, pista пўчок! Бундайлар давлат бошқаруви учун шунчаки қора ишчи кучи холос! Уларнинг ҳуқуқларини кафолатлаш шарт ҳам эмас! Айрим давлат идораси вакиллари, Олий маълумотлиларнинг ҳуқуқларигина ҳукумат ҳимоясида!

Ўқитувчи вақтинчалик прописка мумкин эмишу, хусусий ўқув марказида ишлайдиган шахсга доимий прописка мумкин эмас эмиш!

Бундан чиқдики, ўқитувчининг қони тоза, хусусий ўқув маркази ходимининг қони бузук.

Хуллас, оддий халқ вакили пойтахтда эркин ҳаракатланиш ҳуқуқидан маҳрум. Оддий касб эгаларига Тошкентда доимий пропискадан ўтиш таъқиқланади!

Йўқ, мен тушунмайман! Нима учун ҳукумат амалдорлари халқни табақаларга, синифларга ажратмоқда!

Буниси яна қандайн бемаънилик бўлди! Бу халқ учун қандайн ҳақорат! Қандайн хўрлик!

Нима эмиш: Ҳукумат қарорларига асосан вилоятдан келган фуқаронинг Тошкент шаҳридан уй сотиб олишга ҳаққи, ҳуқуқи йўқ эмиш. Вилоятда яшайдиганларга пойтахтдан ҳовли сотиб олиш мумкинмасмиш!

Йўқ, мен тушунмаяпман, илтимос менга тушунтириб беринг:

Нима учун Каримова Гулнора Исломова бир қарасанг Россиядан, бир қарасанг Швециядан, Франциядан, исталган ҳорижий мамлакатларнинг қоқ киндигидан ўз номларига миллиард-миллиард долларлик қошона сотиб олишлари мумкину, менингдек бир фақирга ўз киндик қоним тўқилган юртимнинг пойтахтидан товукнинг катагидек кулба харид қилиш мумкин эмас! Шунга асослаб тушунтириб беринг менга!

Тиллаева (Каримова) Лола Исломова ҳали Франциядан, ҳали АҚШдан, қўйингчи, дунёнинг



нақд етгита давлатидан кўзни қамаштирадиган қасрлар харид қилса майли экан-да-а? Эътибор беринг, Президентнинг кичик қизи биргина АҚШнинг ўзидан 32 миллион 750 минг АҚШ долларлик бошпана олган, бироқ, шўрлик Ўзбекистонлик, шўринг кургур ўзбек ўз ватанининг пойтахтидан – Тошкентдан бошпана сотиб олишни истаса, таъқиқ! Пойтахтдан доимий рўйхатдан ўтаман деса, ва ё лоақал вақтинчалик пропискага қўяман деса, “запрет”!

Президент Каримовнинг қайинсинглиси Тамара Содикова Туркиядан 3000000 АҚШ долларига элет квартира сотиб олса, эгалик қилса, бемалол экан-у, Ўзбекистоннинг вилоятида туғилган фуқаро Тошкентга талпинса, уй харид қилишга уринса – ЖИНОЯТ экан! Нега шундай?

Қани бу ерда тенглик? Қани ўша сиз айтаётган адолат? Ўзбекистон расмийларининг фармону қарорларидаги мантиқ қани?

Ижтимоий тенгсизлик деганлари суяк-суягингни зирқиратадиган даражада оғрикли бўладими-а?

ХАЛОЙИҚ!

Сизу бизнинг ўз ватанимизда эркин ҳаракатланишимизга чекловлар қўяётган, Пойтахтда яшаш, ишлашдек истагимизни таъқиқлаётган Ички ишлар вазирлиги ниманинг ҳисобига яшашини бир эслаб кўринг!

Ички ишлар идоралари сизу бизнинг, халқнинг ҳисобига яшайди, аҳоли тўлаётган солиқлар эвазига кун кўради, маош олади.

Ана энди айтингчи, халойиқ, сизу биз ички ишлар идолари ходимларини солиқларимиздасида

не сабабдан боқмоқдамиз? Бизни ҳимоя қилишлари учунми, ёки ўз устимиздан ҲУКУМРОНЛИК қилишлари учунми?

Демакки, бизнинг ҳақ-ҳуқуқларимизни топтаётганлиги, камситаётганлиги, оёқ ости этаётганлиги, хўрлаётганлиги, ҳаракатланиш ҳуқуқимизга раҳна солаётганлиги, ғуруримиз, шаънимизни топтаётганлиги учун ҳам, бизким — ХАЛҚ ички ишлар вазирлигига ҲАҚОРАТЛАРИ ЭВАЗИГА ҲАҚ тўлаёт эканмиз-да?! Тўлаётган солиқларимиз ҳисобидан ИИВнинг қорнини тўйғазаётган эканмизда! Оқибати нима бўлди? “Эшак семирса эгасини тепади” деганлари рост бўлди, шундай эмасми?

Мен бу билан нима демоқчиман: Нафақат Ички ишлар (собик) вазири Б. Матлюбовнинг “Ўзбекистон Республикаси фуқароларининг Тошкент шаҳри ва Тошкент вилоятида доимий прописка қилиш тартиби тўғрисидаги йўриқномани тасдиқлаш ҳақида”ги 2012 йилнинг 1 май куни имзоланган 71-сонли буйруғи, балки мазкур масала юзасидан чиқарилган жамийки фармону қарорлар мутлақо асоссиз, ғайриқонуний ва Конституцияга зид.

Бас шундай экан, ИИВнинг мазкур ноқонуний буйруғини, бу масалага оид барча фармону қарорларни зудлик билан бекор қилиш зарур.

Мен, Эшонқулова Малоҳат Худжамовна 2016 йилнинг 25 март куни Ички ишлар вазирлигининг мазкур буйруғини бекор қилиш тўғрисида судга даъво ариза киритиш устида иш олиб бормоқдаман.

Биз, ўз ҳуқуқлари ИИВ томонидан кўпол равишда бузилган деб ҳисобловчи фуқаролар — даъвогарлар, сони ҳозирча уч нафармиз. Ўз ватани пойтахтида ҳақ-ҳуқуқлари топталиб, саргардон бўлиб юрган юртдошлар, биламан, сиз кўпчиликни ташкил қиласиз.

Шу тобда, Абдулла Қодирийнинг “Ўтган кунлар” романидаги Юсуфбек Ҳожининг хитобларини ҳаёлимда чарх урмоқда: “Халойиқ, кўзгалинг!”. Суд орқали ўз ҳақ-ҳуқуқингизни талаб қилишга, судга даъво ариза киритишга шошилинг.

Бизга қўшилинг!

Мурожаат учун телефон:
+99893 5701747.

Малоҳат Эшонқулова
мустақил журналист, ҳуқуқ фаоли

МХХ, милиция, имомлар ва маҳалла фаолларидан иборат гуруҳ диний айбловлар билан қамалган ва шу айб билан кидирувда бўлганларнинг ота-оналари ва яқинларини сазойи қилаяпти.

МХХ бошчилигидаги ушбу гуруҳ оила аъзоларини бир жойга йиғиб, уларни ҳақоратлаш, шарманда қилиш орқали уларга фарзандлари учун “жазо” бераяпти.

Шунингдек, уларга маҳалладан кўчириб юбориш таҳдиди қилиниб, маҳалла-куйга улар билан борди-келди қилмаслик тайинланаёпти.



МХХ ХОРИЖГА КЕТГАНЛАРНИНГ ОТА-ОНАЛАРИ ВА ОИЛА АЪЗОЛАРИНИ САЗОЙИ ҚИЛАЯПТИ

МХХ бошчилигидаги йиғинлар

МХХ бошчилигидаги гуруҳ бутун Ўзбекистон бўйлаб ИШИДга қарши экани айтилаётган тадбирларни ўтказаяпти.

Асосан, жума кунлари ўтказилаётган ушбу тадбирлардан бири 11 март куни Қашқадарёнинг Шаҳрисабз туманида бўлиб ўтди. Тафсилотлардан хабардор манбанинг Озодликка айтишича, тадбирда Қашқадарё вилоят МХХси бошлиқлари иштирок этган.

Тадбирда Шаҳрисабз, Яқкабоғ, Китоб, Қамашу туманларининг имомлари, участка нозирлари ва маҳалла йиғинлари раислари қатнашган.

Шу тўртта тумандан диний айбловлар билан қамалган, шу айблов билан яқинда ҳибсга олинган ва ушбу айб билан кидирувга берилганларнинг қариндошлари участка нозирлари томонидан тадбирга олиб келинган.

Шунингдек, Озодлик манбасининг айтишича, узоқ муддат чет элда юрганларнинг ота-оналари ва хотинлари ҳам ушбу йиғинга келтирилган.

МХХнинг ушбу тадбирлари Тошкент шаҳри, Андижон, Наманган, Фарғона ва Тошкент вилоятида ўтказилгани Озодликка маълум.

Лекин жойлардан олинган маълумотларга кўра, бу тадбирлар бутун мамлакат бўйлаб ўтказилаяпти.

Айрим жойларда хорижга кетганларнинг амма-холалари ва тоға-амакилари ҳам йиғинга чақиртирилаяпти.

МХХ гуруҳи ота-оналарни сазойи қилаяпти

МХХнинг ушбу тадбирларида қатнашганлардан Озодликка етиб келган маълумотларга кўра, йиғинга чақиртирилган ҳар-бир ота-она навбати билан сазойи қилинаёпти.

Жумладан, кеча Шаҳрисабзда ўтказилган тадбирда ҳам она-оналар бирма—бир ўрнидан турғазилиб, ҳақоратланган.

“Ҳар- бир кишини битта- битта ўрнидан турқазиб, сенинг ўғлинг хоин, сен хоиннинг онасисан, сен хоиннинг отасисан, сен хоиннинг хотинисан, сен хоиннинг қариндошисан деб ҳақорат қилишган. Сенларни маҳалладан бадарға қилиш керак. Буларнинг ҳаммасининг дарвозасига хоиннинг уйи деб ёзиб қўйинлар. Уларни тўйларга айтманлар, жанозага чақирманлар, улар билан олди-берди, борди- келди қилманлар, деган гапларни айтишган”, дейди тафсилотлардан яхши хабардор Озодлик манбаси.

Қариялар ҳақоратни кўтара олмаяпти

МХХ бошчилигидаги гуруҳнинг ҳақоратлари ва дашномларини ёши кекса айрим ота-оналар кўтара олмай қолган ҳолатлари кўп бўлаётгани айтилаяпти.

Жумладан, Андижонда ўтган шундай йиғинлардан бирида ёши кекса эракни ҳақорат қилишгач, у инфаркт бўлиб қолган.

Бу ҳақда Озодликка маълум қилган манбанинг айтишича, у ушбу эракнинг жиянининг дўсти бўлади.

“Дўстим уйига қўнғироқ қилса,

онаси йиғлаб гапириб берибди. Ота-онаси, холаси, тоғаси ҳаммасини чақиртирибди. Уларни камситиб, ҳақорат қилибди. Ўша жойда тоғаси инфаркт бўлиб қолибди. Уни тез тиббий ёрдам олиб кетибди”, дейди манба.

Ота-оналар матбуот орқали ҳам сазойи қилинмоқда

Маълум бўлишича, МХХ бошчилигидаги ушбу тадбирлар матбуотда ҳам кенг ёритилиб, телевидение ва газета-журналлар ҳам ота-оналарни бадном қилувчи мақолаларни бераяпти.

Жумладан, шундай мазмундаги кўрсатувлардан бири 11 март куни “Ўзбекистон” телеканали орқали намоёниш қилинган.

Кўрсатувни томоша қилган, умуман МХХнинг ИШИДга қарши тадбирларини кузатиб келаётган ҳуқуқ фаоли Суръат Икромовга кўра, бутун мамлакат бўйлаб ушбу тадбирлар кенг ўтказилмоқда:

— Кеча «Ўзбекистон» телеканалда худди шундай кўрсатувни беришди. Ота-оналарнинг ҳаммасини ўша ерда ёмонлаб, шармандасини чиқараяпти. Ҳаммаси йиғлаб ўтирибди. Булар пропаганда тадбирлари. Улар тўғридан-тўғри Ўзбекистондан чиқармагин болангни дея олмайди. Буларнинг мақсади менимча, ота-оналарни кўрқитиб, огоҳлантириб қўйиш. Энди вояга етган, ёши 40га борган фарзанди учун ота-она айбдор бўла олмайди қонун бўйича,— дейди тошкентлик ҳуқуқ фаоли Суръат Икромов.

(Давоми кейинги саҳифада)

(Давоми: Боши олдинги саҳифада)

Андижонда МХХ йиғини деб жума масжиди қолдирилди

Озодликка Андижондан йўлланган хабарда айтилишича, 11 март куни МХХ ўтказган йиғин сабаб Аммор ибн Ёсир масжидидаги жума намози қолдирилган.

“Андижон вилояти Андижон тумани марказида жойлашган Аммор ибн Ёсир жоме масжидида бугун жума хутбасини ўқийдиган ҳеч ким топилмади. Жума намози пайтида имом масжидда йўқ. Сабабини сўрасак, МХХ бошлиқлари мажлисга чақирганини айтишди”, дея манба масжидда одамлар имомни кутиб ўтиргани акс этган суратни Озодликка йўллади.

МХХ йиғинига маҳалла фаоли изоҳи

Шахрисабздаги маҳаллардан бирининг фаоли Озодлик билан микрофонсиз суҳбатда айтишича, МХХ бошчилигида ўтказилаётган тадбирлар орқали аҳоли ИШИД хавфидан огоҳлантирилмоқда:

“Бизни маҳаллада бир олинанинг ўғли неча йилдан буён уйига келмайди. Хотини, болалари бу ерда қолган. Ўзи ё Туркияда, ё Россияда юрибди. Оиласига пул юбориб туради. Лекин унинг нима иш қилиб юргани, пулни қаердан топиб, жўнатаётгани номаълум. Балки ўша террорчиларга қўшилиб кетгандир. Балки биз ҳозир индамасак, эртага ака-укалари, қўшни, қариндошларини ҳам ўзининг сафига қўшиб олар. Шунинг учун биз ҳозирда ота-оналарга огоҳ бўлинг деб қаттиқ-қаттиқ гапираяпмиз. Уларни уришсак, ўзининг фойдаси. Эртага боласи ИШИДга қўшилса, кейин додлаб ўтиради”, дейди маҳалла фаоли.

Ўтган йилнинг ёзидан бошлаб бутун мамлакат бўйлаб ИШИДга қарши тарғибот тадбирлари бошланди.

МХХ йиғинларидан ташқари маҳалла фаоллари уйма-уй юриб, ИШИД зўравонликлари, ваҳший қотилликлари ва унга қўшилиш оқибатлари ҳақида тушунтириш ишлари олиб бормоқда.

Маҳалла оқсоқоллари, посбонлар ва фаоллар бунинг учун махсустренингдан ҳам ўтказилди.

Манба: ozodlik.org



Швецияда яна бир ўзбек — Умид Аминов қидирувга берилди

«Озодлик» радиосининг хабар беришича, Швеция матбуоти Обид қори Назаровга суиқасд терговини билан шуғулланаётган прокурор талаби асосида 37 яшар Россия фуқаросини халқаро қидирувга берган. Хабарда ёнида Россия паспорти бўлган бу шахснинг исми ва миллати келтирилмади, аммо Швециядаги манбалар бу «Тигран Капланов» лақабли шахс эканини иддао қилмоқда.

Довудхон Обидхон ўғлига кўра, бу шахснинг номи суиқасдга оид маҳкамада бошдан бери тилга олинмоқда.

Швеция матбуоти асли ўзбекистонлик бўлган яна бир 37 яшар шахс халқаро қидирувга берилганини хабар қилди.

Svt.se телетармоғи берган хабарга кўра, 4 март кунги маҳкама қарори билан қидирувга берилган шахс Россия фуқароси сифатида қидирилмоқда. Аммо, терговга унинг асли ўзбекистонлик экани маълумдир.

Исми ва миллати очиқланмаган шахс Швециядан бошпана олган ўзбекистонлик уламо Обид қори Назаровга нисбатан суиқасд уринишини уюштиришда гумон қилинмоқда.

Обид қорига суиқасд иши бўйича терговни давом эттираётган прокурор Кристер Петерсон швед матбуотига берган интервьюсида бу шахснинг Россияда эканини тахмин қилиши, бу ҳолда унинг Швецияга экстрадиция қилиниши лозимлигини урғулади, аммо бунинг осон кечмаслигини эътироф этди.

Швециядаги манбаларнинг иддао қилишича, исми очиқланмаётган бу шахс айблов хулосасида ва суиқасд ижрочиси, деб топилган ўзбекистонлик Юрий Жуковский устидан маҳкамаларда номи кўп бора тилга олинган «Тигран Капланов» исмли шахсдир.

Озодлик билан суҳбатда Довудхон Обидхон ўғли бу исмининг маҳкамаларда тилга олинганини тасдиқлади ва «Тигран Капланов»да

Ўзбекистон паспорти ҳам борлиги судда тилга олинганини қўшимча қилди.

Бунга қадар бу шахснинг номи Истанбулда ўзбекистонлик имом Абдуллоҳ Бухорийга нисбатан суиқасд устидан бораётган маҳкамага оид хабарда тилга олинди.

Туркиядаги нуфузли Yeni Sha-fak газетасида босилган “Тепкини босганга 200 минг доллар берилди” сарлавҳали мақолада иддао қилинишича, Истанбулнинг Бақирқўй туманидаги оғир жазо маҳкамасида бўлаётган судда “Тигран Капланов” лақабли Умид Аминов қотилликларни пул билан таъминлаган ташкилотчи сифатида илгари сурилган. Бу маълумотни Бақирқўй маҳкамаси матбуот хизмати Озодликка тасдиқлаган.

Швеция матбуотидаги хабарларида айтилишича, қидирувга берилган шахснинг Обид қорига суиқасд ижроси билан шуғулланган Юрий Жуковскийга рақамига пул ўтказгани юзасидан даъволар тергов қилинмоқда.

Суиқасднинг ижрочиси, сифатида айбдор топилган Ўзбекистон фуқароси Юрий Жуковскийга Швециянинг Сундсвал шаҳар суди 1 март куни умрбод қамоқ жазосини берди.

Швеция прокурори Кристер Петерссон айблов хулосасида Ўзбекистон ҳукумати тўғрисида тўғри айбламаган бўлса-да, Жуковский суиқасдни “Ўзбекистон ҳукумати буйруғига кўра” амалга оширгани хусусидаги иддаоларни илгари сурганини билдирган.

57 ёшли Обид қори Назаров 2012 йилнинг 22 февралда Швеция шимолидаги Стромсунд шаҳарчасида ўз уйи йўлида номаълум шахс томонидан отиб кетирилган.

Ўзбекистон ҳукуматининг ашаддий танқидчиларидан бўлган Обид қори Назаров ҳамон оғир аҳволда шифохонада ётибди.

Манба: «Озодлик» радиоси

Ўтган хафталар давомида Ўзбекистон ҳаётида қатор воқеалар юз бериб турди. Уларнинг баъзилари Республиканинг ичида, баъзилари эса ташқарида бўлди. Биз айтадиганларимиз Ўзбекистон ҳаёти, тақдири билан боғланган.

Каримов ўз халқини муваффақиятли алдаш йўлида ҳамон собитқадам. Биз унинг соғлиги ёмонлигидан умид қилаётган эдик, лекин Худо умр берса, одам яшайверади. Умидни сўндирмаймиз, албатта, зотан, “Ҳар бир нафс эгаси, шубҳасиз, ўлим шарбатини тотгувчидир”. Бошланган нарсанинг



Бола ўлдирган энага, Юлдузнинг мадҳия куйлагани ва Русланнинг мағлубияти: ўзаро боғланган воқеалар

охири бор. Юз бераётган воқеалар Каримов ва унинг золим тузуми тугаши ҳақида умидли муждаларни билдирмоқда. Бу охири, бу сўнгги кўриш учун шошмаймиз, зеро, сабр бизнинг қуролимиздир. Золимларнинг қўлларида эса ҳеч қандай қурол йўқ. Улар қурол деб ўйлайдиган нарсаларнинг ҳаммаси ўткинчидир. Сабр эса бизники, уни ҳеч ким тортиб ололмайди.

Каримов бу йил “Ким эдигу ким бўлдик, эртага қандай марраларни эгаллашимиз керак?” деган шиорни ўртага ташлади.

Совет ҳукумати энди тикланган пайтдан бошлаб етмиш йил ҳукм сурган бу ғоя, мана, Каримов томонидан катта садоқат ва матонат ила яшамокда. Бутун мамлакат бўйлаб шу алдамчи ва пуч “ғоя” асосида турли тадбирлар уюштирилмоқда, отарчилар, актёрлар, “шоир” номини сотиб олган сўзфурушлар бу тадбирларда истиқлол берган имкониятлар, “ёркин” келажак, ташқи душманлар, фидойи юртбоши ҳақида “чин юракдан” гапирмоқдалар. Бу тадбирлар мактаб, коллеж, лицей, университетлар доирасидан чиқиб, маҳалла ва қишлоқларда ҳам ўтказилмоқда. Ҳар бир маҳалла ва қишлоқ оқсоқоли, посбони ва маслаҳатчилари оилалардан вакилларни мажбурлаб чақиришяпти. Камолотчилар эса маҳалла ва қишлоқ болаларига Ватан мустақиллиги, юрт

“эрки” тўғрисидаги ғояларни сингдирмоқдалар.

Мустақул давлат бугун йигирма беш ёшга кирибдию, ҳали-ҳамон қандай маррага эга етишмоқ лозимлигини билмас экан, қизиқ... Йигирма беш йилдан кейин ҳам яна қандайдир марра ҳақида гапириш жуда қулгили эмасми? Демак, халқ деб аталмиш ўттиз миллионли одам жамоаси – Ўзбекистон аҳолиси қайси маррага қараб кетаётгани ҳақида билмайди. Билмагани учун мана шундай тадбирларга зўр берилмоқда. Бўлмаса, нима?

Аслида, ўша айтилаётган “марра”ни ўзи йўқ. Одамларни алдаш ва тузумнинг умрини сунъий узайтириш учун тўқиб чиқарилган сафсата бу, албатта.

Хитой қурувчилари Тошкентдан водийга борадиган поезд йўлни қуриб битиришди. Каримов бу ҳақда икки йилдан буён айтиб келар эди. Қайсидир мажлисида ҳокимларга қарата: “Сизлар билан 2015 йил водийга поездда бирга бораман”, – деган эди. Ҳартугул, 2016 йилда бу иш битди.

Очилиш маросими бўлди, ҳамма мактади, бу темирйўл мамлакат буюклигидан далолат қиладиган воқеа деб баҳоланди. Биз ҳам бу қурилишни арзимаган иш деб айта олмаيمиз. Жуда кўп меҳнат қилингани айтиш ҳақиқат. Яна ҳам шу ҳам ҳақиқатки, бу қурилиш учун ажратилган пулларнинг катта қисми еб кетилган, баъзи жойларида

сифатсиз ишлар қилинган, Каримовдан балога қолмайлик деб иш шошиб-пишиб битказиб юборилган. Аммо самимий тилаганимиз шуки, бу йўл одамлар узоғини яқин қилсин, фалокат ва бало-қазоларсиз поездлар минглаб одамларга хизмат этсин! Зотан, бир бунёдкорлик иши золимлар томонидан амалга оширилса ҳам, у кишиларга хизмат қилса, қарши бўлмаймиз. Гарчи, бу темирйўл воситасида одамлар онгидаги қаршилиқни бостириш, уларни шу ишга жалб қилиб чалғитиш стратегияси турган бўлса ҳам, биз бу

иншоот узоқ йиллар ишлашини чин дилдан истаимиз.

Россияда энагалик қиладиган Гулчехра Бобоқулова деган ўзбек аёли гўдак қизчанинг бошини узиб, Москва кўчаларида кўтариб юргани хабари кўпчиликка маълум. Бу сабабли ўрисларнинг қони қайнади, мигрантларга нисбатан турли ҳақсизликлар амалга оширилди. Биз бу ҳақда тўхталиб ўтирмаймиз, чунки ахборот воситаларининг маълумотлари етарли. Воқеани ўз нуқтаи назаримиз билан таҳлил қилмоқчимиз, холос.

Кремль вакили бир аёлнинг қотиллиги бутун бошли миллат ёки барча мигрантлари айби эмаслиги ҳақида баёнот берди. Машхур рус блогерларидан баъзилари аёлнинг руҳий касаллигини маълум қилишди, русларнинг ўзида болаларни ўлдириш ёки педофиллик авж олгани ҳақида билдиришди, бу билан масалага “одилонга” ёндашётганларини кўрсатдилар. Ижтимоий тармоқларда ҳам масалага шу томондан қараганлар кўплаб учрамоқда. Бу ҳам маълум гаплар.

Биз учун эса ўзбекларнинг ва ўзбекистонликларнинг бу воқеа, унга бўлган ўрисларнинг муносабатлари, жараёнда кечаётган суд ҳақида фикрлари муҳим. Чунки ижтимоий диққат мана шу қотилликка қаратилди. Ҳамма

(Давоми кейинги саҳифада)

(Давоми: Боши олдиги саҳифада)

нима бўлишини кутяпти. Албатта, рухий касал ўзбек аёлига нисбатан бир қадар кўнгилли ёндашув кузатилади, ўрислар бу аёлнинг ҳолатини “чуқур” ўрганиб унга “адолатли” ҳукм берадилар.

Бу ҳодиса ўзбекларнинг онги ва психикасида куйидаги аксадоларни беради:

1) мавжуд вазият қаршисида ўзбек расмийлари жим – бу кутилган ҳол эди. Ўзбеклар ўзбек ҳукумати уларни ҳимоя қилишларига ҳеч қачон ишонмайдилар. Бу ҳамиша тасдиқланиб келаётган ҳақиқат. Мазкур воқелик исталса-исталмаса, ана шу хулосани туғдиради ва мустаҳкамлайди;

2) ўзбек миллатига мансуб бир ожизанинг қилмиши (тақдири) ғайридин ва ғайримиллат, юз етмиш йил мустабидлик қилганлар томонидан ҳал этилмоқда. Бир гуноҳ учун айбдори жавоб беради, аммо бошқа миллат орасидаги ҳар қандай одам ўз мамлакатининг “юзи” сифатида кўринади. Унга қараб халқ ҳақида тасаввур тўкилади. Ушбу жараён ўзбеклар ўзини ҳимоя қилолмайди деган фикрни “исботлайди”, ўрисга қарамлик ҳамон давом этади, ўрисга қарам бўлиш ёмон эмас деган тушунчани беради;

3) Ўзбекистон фуқаросининг ўзга юртда бу қадар хор бўлиб юриши эса Каримов ва унинг тузуми қанчалик чирик, қанчалик манфур, қанчалик тубан, қанчалик ишонсиз эканига далилдир. Бу ҳол халқаро микёсда ҳам Ўзбекистоннинг аслида юқори бўлмаган мавқеига улкан бир зарбадир.

Чеченистон президенти Рамзан Қодиров бир неча йилки, бокс бўйича жаҳон чемпиони Руслан Чагаевга ҳомийлик қилиб келади. Ўтган ҳафтанинг жума куни бўлиб ўтган бокс, унга тайёргарлик ахборот воситалари ва ижтимоий тармоқлар бўйлаб кенг тарқалиб кетди. Рамзан Қодиров Русланнинг бокс тушиши шарафига зиёфат уюштирди, бу зиёфатда Юлдуз Усмонова ўзининг “Ҳеч кимга бермаймиз сени Ўзбекистон” (асл номи “Ёшлар мадҳияси”) кўшигини куйлаб берди.

Шу саҳнанинг ўзи кўпчиликнинг диққатини тортди. Бўлиб ўтган бокс жангида эса хонанда рингга чиқиб Ўзбекистон Республикасининг мадҳиясини жонли ижро қилиб берди. Маълумки, Руслан жангда жиддий мағлубиятга учради.



Рақиби уни сўнги раундда беомон муштлади.

Айтиш лозимки Руслан ўзини, сидки дилдан вазифасини бажарди, жаҳон микёсида Ўзбекистон шарафини муносиб ҳимоя қилди. Аммо афсуски Русланнинг атрофида фақатгина унинг жаҳонга машҳурлигидан ўз манфаатлари йўлида фойдаланаётган баъзи кишилар бор.

Биз воқеанинг тафсилотини баён қилиб ўтириш фикридан йироқмиз, масаланинг моҳиятига назар солишни таклиф этамиз. Ўртага бир саволни қўямиз: Русланга ҳомийлик қилиш, уни жангга чиқариш, Юлдузни чорлаб кўшиқ айттиришга Рамзан Қодировни нима мажбур қилди? Рамзаннинг Ўзбекистон ёки Каримов олдида бу ишларни қилиш учун қарзи йўқ эди, шекилли... Ёки Чеченистоннинг ўзида боксёр қуриб қолганми? Рингда Ўзбекистон мадҳиясининг янграши, яна бу машҳур ўзбек хонандаси томонидан ижро бўлиши, Ўзбекистон байроғининг хилпираб туриши ортида ҳеч қандай сиёсий мақсад йўқми?

Яна эътиборли жиҳати шуки, Гулчехра Бобоқулованинг қотиллиги, Русланнинг бокс жанги, Юлдузнинг хониши – буларнинг ҳаммаси Россияда бир вақтда рўй бергани бироз бўлса ҳам, ажабланарли эмасми? Буларнинг ҳаммаси тасодифан, ўз-ўзидан бўлиб ўтди дейиш масалани жуда соддалаштириб қўймадимкин?

Бизнинг фикримизча, Русланнинг рингга кўтарилиши, Юлдузнинг хониши ортида ўзбеклар ва Ўзбекистон халқи онги ва психикасига таъсир ўтказиш масаласи турибди. Бу – яширин мақсад. Шунингдек, бу воқеа Ўзбекистоннинг бугунги ҳукумати шаъни учун ҳам ижобий ҳол эмас.

Ижтимоий тармоқларни кузатганимизда ўзбеклар Русланга нисбатан хайрихоҳ бўлганлари, Юлдузни олқишлашгани кузатилди. Бу кўпчилик қўйилган “тузоқ”қа тушганига далолатдир. Чунки аслида кутилган мақсад шу эди. Зотан, кўпчилик ўзбеклар ўзи билиб-билмай Россияга, Чеченистонга хайрихоҳ бўлиб бормоқдалар. Вазиятни таҳлил қилмасдан, фикрламасдан ёппасига қарсак чалишяпти. Бир томонда ўзбек аёли хорланса, унга маломат қилмоқдалар. Бир томонда ўзбек аёли кўшиқ куйласа, бунга олқишламоқдалар. Бу – ўзбекларнинг аксариятида мавжуд вазиятни тўла қамраб олиш салоҳияти етарли эмаслигини билдиради.

Шу кунларда баъзи таҳлилчилар, кузатувчилар Россия энди Марказий Осиёга, хусусан, Ўзбекистонга алоҳида ҳужум бошлашини тахмин этияптилар. Айнан Ўзбекистонга алоҳида диққат қаратилиши сабаби – Каримовнинг сиёсати билан боғлиқ. У бошқа ҳамкасбларига каби Россиянинг истакларини инобатга олса-да, ҳар ҳолда, турли сиёсий ўйинлар билан ўз сўзини баъзан айтиб келади. Путин билан бўлган учрашувларда Каримов ўзини анча эркин тутиши сезилади. Қолаверса, ўзбек муҳолифати минтақада анча ривожлангани, курашувчанлиги ва тактик жиҳатдан яхши ишлаши билан ажралиб туради. Шу икки омил, айниқса, иккинчиси сабабли Россия Ўзбекистонни ўзининг чексиз таъсир доирасига олиш учун кўп тер тўкиши керак. Аслида, Россия учун бугунги ўзбек ҳукуматидан кўра ўзбек муҳолифати катта муаммодир.

(Давоми кейинги саҳифада)

(Давоми: Боши олдинги саҳифада)

Бугун Россия уюштираётган юкоридаги каби ўйинлар фақат Каримов ҳукуматиға эмас, ўзбек муҳолифатиға ҳам яширин бир хужумдир. Зотан, Ўзбекистоннинг энг машхур шахсларидан тортиб оддий энагаси устидан ҳам ҳукм юрғазилаётгани хужум бўлмай, яна нима?

Эртага Каримов ўлса (ёки амалдан четлатилса), унинг ҳукумати амалдан кетса, ўзбек муҳолифати ўзининг фаол ҳаракатини бошлайди, унга параллел равишда Россия ҳам бугун Ўзбекистон ҳукумати ичидаги ўз агентларини президентлик амалига ўтказиш учун курашади. Демак, кураш аслида бошқача йўналишга бурилиб кетади.

Бизнинг бу тахминларимизга кўшилиш ёки кўшилмаслик – ихтиёрий, аммо бўлаётган воқеаларни кузатиб бемалол шу хулосаларга келиш мумкин. Жараён эса асл ҳақиқатларни юзага чиқаришда давом этади.

Вазият бугун ўзининг шу миллат вакили деб билган ҳар бир шахздан ҳақ ва ноҳақни фарқлашни талаб қилмоқда, бошимиздаги мустабид Каримовдан кейин яна эски бало – ўзга мамлакатга мустамлака бўлиш балоси қайта бош кўтариш арафасида.

Тўғри йўлни танлайдиган фурсат келмоқда. Аслида бундай бўлмаслиги ҳам мумкин эди, юртда халқ эркининг бўғилгани, зулмнинг кучайгани, муқаддас қадриятларнинг аёвиз топталгани оқибати ана шу хатарга бизни қайтадан юзлаштирмоқда.

Каримов ўлгач, Ўзбекистонда фуқаролар уруши бошланса, унинг айбодори, шубҳасиз, Каримов бўлади. Чунки у ўз сиёсати ва золимлиги билан юртни катта фалокатларга, қон тўкилишларга етаклаб келяпти. Буни сезиш ва иложи бўлса, йўл қўймаслик – бизнинг вазифамиз...

Каримов ва унинг золим тузуми эса январда ҳисобот беради, февралда Навоий ва Бобурнинг туғилгани кунини нишонлайди,

мартда аёллар байрамини ўтказди, Наврўз уюштиради, апрелда Амир Термурни олқишлайди, майда хотира ва кадрлаш тадбирларини, мактабларда битириш оқшомларини ўтказди, июнда болаларни ҳимоя қилишнинг халқаро кунини ҳақида гапирди, июлда сенат масжлисини уюштиради, августда қатағон қурбонларини ёд этади, сентябрда истиклол байрамини бошлайди, пахтага чиқади, октябрда ўқитувчи ва педагогларни алдашади, она тили ҳақида вайсдилар, ноябрда байроққа эга бўлганини айтиб мақтанадилар, декабрда эса Конституцияни шарафлашади, кейин янги йил байрамида қадаҳ кўтариб, январдаги ватан ҳимоячилари кунига тайёргарлик кўришади.

Шу бугунги Ўзбекистон ҳаётидир.

Ишонинг, Ўзбекистоннинг бугунги ҳаёти ана шулардангина иборат. Бу ёқда эса миллатни босиб олиш, мустамлака қилиш учун ўйинлар уюштирмоқдалар...

Абдуллоҳ Нусрат



484-Боғчадаги ваҳшийлик!!!

1 Март кунини Тошкент шаҳри, Шайхонтоҳур туманидаги 484-боғчада 4 яшар қизим тарбиячиси туфайли куйиб қолди. Тарбиячи қайноқ овқатни сузаётганда қизчамнинг бўйни ва даҳанига тўкиб юборган. Энг ачинарли томони қизимга биринчи ёрдам ҳам кўрсатилмаган ва ҳаттоки менга, онасига хабар беришмаган. Куйган жойидаги пуфакчаларни ўзбошимчалик билан ёриб кўчириб ташлаб қизимни ухлашга мажбур қилган. Билмайман қизим бу оғрик билан қай аҳволда ётган экан...

Соат 13.45 да боғча опаси менга қўнғироқ қилиб, бу ҳақда бир оғиз гапирмай, қизимни бугун сал

вақтлироқ олиб кетишимни сўради. Сабабини бир оғиз ҳам айтмади.

Оналик хиссиётим сезиб боғчага етиб бордим. Лекин не кўз билан кўрайки, болам аянчли аҳволда. Боламни кўриб тилим ожиз бўлиб қолди. Нима воқеа содир бўлди деб сўрасам, кўркмасдан боғча опаси менга ёлғон гапирди. Қизингиз ўзи устига овқатни тўқди деди. Қизим эса уйда менга боғча опам столимизни устида овқат сузётганда менга тўкиб юборди деб айтиб берди. Ҳаттоки боғча мудираси ҳамда ҳамширага ҳам айтмаган.

Мен ўзим мурожаат қилганимдан сўнг улар хабар топди.

484-МТМ боғча мудираси ўз вазифасини бажармаган, тарбиячиларини бошқара олмаган. Муассасада юз берган тан жароҳатдан хабар топмаган, чора кўрмаган. Бу раҳбарни масъулиятсиз, ваҳший ва бу лавозимга лойиқ эмас деб ҳисоблайман!!!

Мен ўзим қизимни Республика Шошилиш Тиббий Ёрдам Илмий Марказига комбустиология бўлимига олиб бордим ва шифокор унга биринчи ёрдам кўрсатди. Қизим 1-2 даражали куйиб жароҳатланганлиги ҳақида

маълумотнома берди.

Мен бу ҳақда Ўзбекистон Республикаси Бош Прокурорига, Бош Вазирга, Халқ Таълими Вазирлиги ишонч телефонига, Туман Халқ Таълими Бошқармасига шикоят аризаси билан мурожаат қилдим.

Ахир Президент томонидан бу йилни Соғлом она ва бола йили деб эълон қилиниши бежиз эмас. Давлатимиз юртимиз келажаги бўлган болаларга катта эътибор қаратаётган бир пайтда, боғчада фарзандимга шундай лоқайдлик билан тан жароҳати етказиб ўтиришсая...

Мендан ҳозирда шикоят аризамни қайтиб олишимни сўрашяпти. Мени мақсадим эса бизнинг оиламиз бошига тушган бундай аянчли ташвиш бошқа оила фарзандлари бошига тушиш хавфини олдини олиш ҳамда уларга бераладиган жазо ва чоралар бошқа боғчадаги тарбиячи ва боғча мудираларига сабоқ бўлишини истардим.

Хурматли гуруҳдошлар, сизлар ҳам боғча тарбиячиларига талабчанроқ бўлишингизни маслаҳат бераман.

Ирода Шукурова

Манба: [Facebook.com](https://www.facebook.com/uzjournalist)
ижтимоий тармоғидаги
«Маслаҳатим.уз» гуруҳи

Шифокор сўзининг луғавий маъносига аҳамият берилса, беморни кассаликдан ҳалос қилувчи, даволочни маъноларини англатади. Айни кунларда, ер куррасида турли янги касалликлар ва эпидемиялар тарқалишига гувоҳ бўлаяпмиз. Йилдан-йилга глобал даражада тиббиёт соҳасини ривожлантириш ва касалликлар инсон танасининг муҳим аъзоларига зарар етказилмаслик йўлида дунё шифокорлари кўплаб тадқиқотларни амалга ошириб келмоқда. Бундай янгиликларни эшитиб, инсоният саломатлиги соҳасида шахс хавфсизлигини таъминлаш учун қилинаётган саъй-ҳаракатлар бесамар кетмаётганлиги одамни қувонтиради. Бироқ, Ўзбекистон ҳудудида ўз вазифасини сидқидилдан бажармаётган айрим шифокорлар пул, мансаб ва шахсий манфаат йўлида шифокорлик вазифасини суистеъмол қилувчилар ҳам учраб туради.

Собиқ Совет Иттифоқи даврида шифокорларнинг тақчиллиги сезилсада, улар ўз вазифасига маъсулиятли ёндашган. Улар мансаб, обрў-этиборни бир чеккага суриб, беморни саломатлиги учун жон-жаҳти билан кураш олиб борган. Бу сўз билан Ўзбекистон заминидан барча шифокорларни ўз вазифасига эътиборсиз қилиб, гавдалантириш эмас, балки ҳукумат мутассадиларни инсон саломатлиги ва ижтимоий муаммоларга чуқурроқ эътиборни қаратиш лозимлиги мантиқи ётади.

Шундай қилиб, 04.03.2016 йилда Тошкент вилояти эндокринология диспансери Бош шифокори Гулбаҳор Тўраевна (ҳам УЗИ, ҳам палата шифокори) беморнинг қотилига айланди. Бемор 1953 йилда туғилган Халилов Султонбой Янги йўл тумани, Чанг тепа қишлоқ фуқаролар йиғини фуқароси қандли диабет касаллиги билан ҳасталанган эди. Унинг касаллик тарихига (тиббий баённомасига) эътибор қаратиладиган бўлса, қандли диабетнинг енгил асоратланмаган тури билан касалланган. У шифохонага 27.02.16 йилда тўрт мучаси соғ-саломат ҳолда профилактик муолажа олиш учун яхши ниятда келган эди. Бироқ, шифокор томонидан асоссиз ва нотўғри муолажалар оқибатида бевақт ўлимига олиб келди. Улимнинг асосий сабаби, унга кўп миқдорда инсулин дори воситаси танасига ўборилган. Бунинг оқибатида қондаги қанд миқдори кескин пасайиб кетади ҳамда юрак қон томир ўткир етишмовчилигидан бемор оламдан ўтади.

Уни даволочни шифокор Гулбаҳор Тўраевна (Бош шифокор) иш жойида бўлмаган. Аслида, ҳалок бўлган беморга Бош шифокорнинг



Бош шифокорнинг қотиллиги

кўрсатмасига кўра, доимий равишда ҳамшира томонидан муолажа ҳамда тиббий тайин (назначения) олиб борилган. Бундай маъсулиятли вазифа шифокор Гулбаҳор Тўраевнанинг (Бош шифокорнинг) зиммасида бўлиши керак. Марҳум беморга шифокор мутлақо муолажа ва тиббий кўрикни ўтказмаган. Шунингдек, ҳалок бўлган бемордан тиббий ҳолати ҳақида умуман қизиқиб келмаган. Агар унга эътибор бериб кўриқдан ўтказганда, бундай кўнгилсизлик содир бўлмас эди. Бундай маъсулиятсизлик ва совуққонлик натижасида, шифокор (Бош шифокор) инсон ўлдирди.

Ҳозирги кунда Бош шифокор ҳеч нарса бўлмагандек, жазога тортилмайдиган жиноятчи каби фаолиятини давом эттириб келмоқда. Ҳалок бўлган беморнинг яқин қариндошлари келганда, Бош шифокор ҳалок бўлган беморни тезроқ дафн қилишни кўп бора ўқтиради. Агар, уни тезроқ дафн қилинмаса, уни тана аъзоси ёриб ташланиши ҳақида огоҳлантиради. Боз устига, Бош шифокор томонидан беморнинг яқин қариндошларига марҳум танасини ёриб ташланиши мусулмончиликка тўғри келмаслигини ўқтириб ўтади. Унинг бундай ҳаракати, худдики динни ниқоб қилиб ўз айбини ёпиш учун ҳамма нарсага тайёр эканлигини билиш мумкин. Ҳалок бўлган беморнинг фарзандлари "Ахир отам ўз оёқлари билан соппасоғ ҳолатда келган эдиларку, нега бундай ҳолатда жўнатаясизлар"-деб, фарёд кўтаришди. Бу фарёдлар энди фойдасиз. Буни эшитган бошқа беморлар онгида тиббий хизматга ишончсизлик кайфияти пайдо бўлди. Тошкент вилояти Эндокринология диспансерида меҳнат фаолиятини бажариб келаётган тиббий персанал ходимларнинг фикрига кўра, Бош шифокор Гулбаҳор Тўраевна томонидан қўйилган бундай тиббий хатолик (қотиллик) бундай неча бор бўлганлигини тасдиқлаб келишади.

Бундан ташқари, Тошкент Вилояти Эндокринология диспансери Бош шифокори нафақат беморларнинг қотилига айланган, балки ҳеч нарсдан

тап тортмасдан коррупциявий ҳаракатларни мунтазам равишда амалга оширади. У шифохонада ўрта тиббий ходимларни деярли барчасини 0,5 ставка асосида меҳнат фаолиятини олиб боришга мажбурлаб, касалхонада ҳамширалар сонини кўпайтириб ишга жойлаштиради. Ишга қанча кўп сонли тиббий ходимлар қабул қилинса, шунчалар кўп миқдорда ноқонуний пул айланмасини йўлга қўяди. Бу пулнинг миқдори 300 АҚШ долларига тенг бўлади ёки ишга жойлаштирилган ҳамширанинг 6 ойлик маош пулини ўзлаштириш орқали норасмий келишув тузади.

Боз устига, Бош шифокор пора олишни янги йўлини ишлаб чиққан. Агар, бемор касалхонага даволаниш учун мурожаат қилса, ундан олинанидан пора миқдори Бош шифокор ҳамда касалхона кассири билан тил бириктирган ҳолда амалга ошади. Яъни, касалхонага келган бемор пора сифатида бериладиган пул ҳомий сифатида касалхонани кассасига бориб тўлаши Бош шифокор томонидан айтилади. Пора сифатида тақдим этилган пул кассир томонидан рўйхатлар дафтарига ёзиб олинди, сўнгра дафтар макулатурага айлантирилади. Мунтазам равишда келиб турадиган ноқонуний пуллар Бош шифокор Гулбаҳор Тўраевнани чўнтагига тушади. Юқорида таъкидланган марҳум бемор ҳам, худди шундай ноқонуний хомийлик асосида касалхонага ётқизилган. Кассир томонидан ҳеч қандай тўлов чеки ҳам берилмайди. Шу билан бирга, Бош шифокор давлат касалхонасида ўзбошимчалик билан пуллик палата ташкил этган. Мазкур палатада даволанувчи бемордан ҳар 10 кун палата ётоғи учун 400 минг сўмда ноқонуний пул олинади. Шундай турдаги палаталардан ҳар 10 кунда 4 млн. сўм айланади (бундай палаталарнинг сони 5 та, ҳар бир палатада 2 кишилик жой бор).

Хуллас, моддий манфаат йўлида ҳеч қандай жиноятдан тап тортмайдиган айрим шифокорлар ўзбек фуқаролар саломатлигини хавф остига қўймоқдалар. Буни эшитган ва билган фуқаролар имкон қадар бошқа давлатларда тиббий хизматдан фойдаланишга ҳаракат қилмоқдалар.

Ҳалол, софдил, тўғри сўз шифокорлар эса, мамлакатни тарқ этиб, МДХ давлатлари ҳамда хорижий мамлакатларда иш фаолиятини йўлга қўйишни режалаштириб келаётганлар сони тобора ортиб бормоқда. Бунинг оқибатида, Ўзбекистон ҳудудидан малакали кадрлар сизиб чиқиш ҳолати юзга келмоқда.

УХХ таҳририятига келган мактуб

Кадрли дўстим, саломатмисан?
Шу кунлар Россиядан тортиб,
Ўзбекистонгача ўтган ҳам, кетган
ҳам бир сўкиб қўядиган Оврўподаги
биродаринг анча узоқ танаффус
қилгани учун узр.

Имтиҳонлар ва дарслар билан
банд бўлиб, орадан ... ўтганини
ҳам сезмадим. Гап шундаки, бу
танаффусим мажбурий эди. Бу
ерда давлат томонидан талабаларга
бериладиган имтиёзларнинг
мавсуми келиб қолган, мен ҳам
шунга илиниш ҳаракатида эдим.

Стипендия, пора ва «ватан хоинлари» ҳақида мактуб

Албатта бу, ўзимизда фақат
номи бор бўлган, арзимаган “ойлик
стипендия” эмас, балки давлат
томонидан талабаларни ўз соҳасини
яхшироқ ўрганиши, қўшимча
изланишлар учун бериладиган
амалий ва молиявий ёрдам.

Бу молиявий ёрдамни қўлга
киритиш учун фақатгина
имтиҳонларни олий натижалар
билан топширсанг етарли...Энг
муҳими ҳар бир йўналиш учун бир
неча соҳада имтиёзлар берилади.
Кимдир, мана бизда ҳам бунақа
грантлар бор дейиши аниқ, аммо
энг катта, эҳтимолки, талабанинг
келажагига таъсири бўлган бир
фарқни айтмайми? Пора бермайсан!
Таниш – билиш қилмайсан ва бу
ҳаммага бирдай баробар тизим!
Албатта, орада бир икки истисно
ҳолатлар бўлади, лекин умуман
олганда, бунақа имтиёзларни олиш
учун ўзимизда одатда “кистирасан”.

Стипендиянинг номини Беруний
деб аташадими, Президент дебми,
аҳамияти йўқ. Ё танишинг бакуват
бўлсин, ёки белинг!

Бу ерда Ўзбекистоннинг том
тескариси! Баҳонг зўрми, соҳа
ўқитувчисининг ўзи сени ана шу
имтиёзга номзод қилиб кўрсатади.
Ўқитувчи сени умуман танимаслиги
мумкин. Яъни, у сени номзод қилиб
кўрсатар экан, бирор нарсани таъма
қилмайди, отаннинг мансаби
ҳам, чўнтагини қаппайгани ҳам
аҳамият касб этмайди. Бу орада мен
британиялик курсдошим Тонидан
анча нарсаларни ўрганиб олдим.

Британиялик талабалар учун
бериладиган имтиёзларнинг сони
ва сифатидан лол қоласан. Ўқишга
қирмоқчимисан, аммо шароитинг
йўқми, марҳамат, давлат сенга
фоизсиз кредит беради, ким
бўлишингдан қатъий назар,

ижтимоий келиб чиқишининг
мутлақо аҳамияти йўқ. Сен шу
давлат фуқаросисан, тамом!
Қарзингни эса ўқишни тугатгандан
кейин, иш бошлагандан сўнг
ойлигингга қараб тўлайсан. Бу қарз
умуман сенга юк бўлмайди, чунки
ойлик маошнинг арзимас қисми бир
неча йил давомида қарзга кетади.
Кам таъминланган оиладанмисан,
яна марҳамат, давлат яшашинг
учун ҳам қарз беради. Фақатгина
университетга ўз билиминг
даражаси билан кирасан, холос!



Яхшиям ўқитувчилик касбини танламаган эканман...

Автобусда уч нафар аёл ёнида
ўтириб, уларнинг оғзидан чиққан
гапларни беихтиёр эшитиб кетар
эканман: «Яхшиям ўқитувчилик
касбини танламаган эканман»,
— деган хулосага бордим.

Ҳар хил байрам-у,
тадбирлар ўтказиш, совғалар
олиш, синф хоналарини
таъмирлаш, имтиҳонларни
ташқиллаштириш, латта, қоғоз,
металл чиқиндилари учун ва
шу каби бўлар-бўлмас сабаблар
билан йиғиладиган пуллар
микдорини аёллар дард-аламга
тўлган оҳангга муҳокама қилиб,
ўқитувчиларни қарғаб-қарғаб
кетишди. Мактабда йиғди-
йиғдилар чиндан ҳам жуда кўп.


Ачинарлиси шундаки (бу
ҳолатни ўша аёллар ҳам тилга
олиб ўтди) ўқитувчиларнинг
ўзлари ўз ўқувчиларини ёлғон
гапиришга ўргатаётгани, яъни
мактабга келган текширув
комиссиясининг саволига,
ўқувчилар: «Бизнинг

мактабимизда ҳеч қанақа пул
йиғилмайди»,- деб жавоб
беришга мажбур қилаётганидир.

Назаримда, муаммо ота-
оналарнинг ўз фарзандларига
нақд пул етказиб бериш
масаласида катта қийинчилик
сезаётганида. Агар мактабга
терминал ўрнатилиб, майли
айримлари учун жинойий
иш қўзғатишга арзийдиган
даражада ғайриқонуний йиғди-
йиғдилар қарточка воситасида
амалга оширилса, ўша ўқитувчи
ўз ҳақи, бола-чақасининг ризқи-
насибаси ҳақига бу қадар хунук
қарғишлар эшитмаган бўлар
эди.

Шокир Долимов
Манба: Facebook.com

Ғарбдаги дўстинг
Манба: bbc.com/uzbek



Ўзбекистонда Ўзбек тили ва адабиёти университети очилмоқда

Жорий ҳафта давомида Ўзбекистонда тарқалган шов-шувларнинг бири – ўзбек тили ва адабиётидан таълим берадиган ҳамда илмий тадқиқот олиб борадиган йўналишларни ўзида жамлаган, мамлакатдаги дастлабки Ўзбек тили ва адабиёти университети очилиши ҳақидаги хабар бўлди. Бу университет Ўзбекистон Миллий университети Ўзбек филологияси факультети (мазкур факультет декани – кўйи қайтган Нурбой Жабборов ҳақидаги мақолани сайтимизда ўқигансиз), Низомий номидаги Тошкент педагогика университети Ўзбек тили ва адабиёти факультети, Алишер Навоий номидаги Тил ва адабиёт институти, Алишер Навоий номидаги Адабиёт ва санъат музейи, вилоятлардаги университетларнинг ўзбек филологияси факультетлари бирлашувидан ташкил топиши кутилмоқда.

Мазкур ташаббус бевосита Каримовнинг ташаббуси экани урғуланмоқда. Бу Президентнинг ўзбек тили ва адабиётига бераётган улкан эътибори, ғамхўрлиги дея талқин қилинмоқда. Аммо Каримов нима учун мустақулликнинг 25 йили ўтиб кетса ҳам, шу масалани ўйлаб қўрмагани қизиқ. Ёки жуда банд бўлганмиди? Унга нима учун айнан 2016 йилга келганда Ўзбек тили ва адабиёти университетини очиш зарур бўлиб қолди?

Биз Каримов сиёсатини яқиндан билувчи таҳлилчи сифатида унинг ҳеч бир иши ўз манфаатидан ташқари бўлмаслигин биламиз. Шунга кўра бу университет очилишини ушбу сабаблар билан изоҳлаш мумкин деб ўйлаймиз:

Ҳақиқатдан энг йироқ тахмин – Каримовга инсоф бериб, ўзбек тилини ривожлантиришни хоҳлапти. Ҳақиқатга бир қадар яқин тахмин – Каримов бу университет базасид ўзини тарғиб қиладиган аппарат яратишга қасд қилган. У ёзувчи-шоирлардан қаттиқ чўчиди – уларга ишонмайди. Зотан, мустақилликка кураш айнан Ўзбекистон Миллий университетидаги Ўзбек филологияси факультетидан бошланган эди. Каримовнинг деярли ҳамма муҳолифлари ушбу факультетни битиришган. Шунинг учун бу йўналиш ва бу факультет кейинги йилларда МХХнинг штатсиз ходимлари билан тўлдирилган эди. Шунинг самараси ўлароқ бир пайтлар жонфидо ватанпарварларни тайёрлаган бу факультетдан фақатгина Каримов ҳукуматининг лаганбардорлари етишиб чикмоқда. Бугун бу факультет ўз потенциалини йўқотган. Энди адабиёт ва тил масалалари билан шуғулланувчи мутахассислар бир жойга жамланса, уларни бошқариш ва Каримов ҳукуматини ғоя, мафқурасини яхшироқ қўллаб-қувватлайдиган манқуртларни кўпайтириш анча осон кечади.

Вазиятни кузатиб борамиз. Ваъда қилинган ва бутун Республикада шов-шув кўтарган бу янгилик – Ўзбек тили ва адабиёти университетининг очилиши ҳақидаги хабарнинг тасдиғини кутамиз. Мутасадди шахсларнинг хабар беришича, мазкур олий ўқув юрти шу йил Наврўз байрамида очилиши мумкин.

Абдуллоҳ Нусрат

МХХнинг юқори рутбали офицери ўзини отиб ташлади

Таҳририятимизга Тошкентдан келган хабарга кўра, Ўзбекистон Миллий хавфсизлик хизматида ишлайдиган, қурол-яроқ бўлимларига масъул, юқори рутбали офицер хизмат кабинетида ўзини отиб ташлаган.

Бўлим бошлиғи бўлган офицер нега ўз жонига қасд қилгани ҳақида эса, «қурол-яроқларни ноқонуний сотгани» туфайли дея хабар берилган. Маълумотга кўра, қуролдан бош қисмига ўқ узилган, яни бир маълумотга кўра бош қисмига отилган ўқ, уни тешиб ўтиб, деворга тегиб қайтган ҳолда оёғига ҳам тегган.

Ушбу хабар хозирча ҳукумат ёки ҳеч қайси матбуот агентликлари томонидан тасдиқлангани йўқ.

Маълумотга аниқлик киритиб, хабарни тўлдириб борамиз. Кузатиб боринг.

Ўзини отиб ташлаган МХХ офицери ишнинг сўнгги тафсилотлари

Аввалги хабарларимиздан бирида МХХнинг юқори рутубатли офицери ўзини отиб ташлагани ҳақида маълумот берган эдик.

Ушбу хабар бўйича Тошкентдан келган сўнгги хабарларга кўра Матбуотчилар ва Сайилгоҳ кўчалари оралиғида жойлашган МХХ марказий бинонинг бир қисми (асосий қисми) жойлашган, иккинчи қисми эса, А.Қодирий кўчасида жойлашган. Шу иккинчи бинода хизмат қилган юқори рутубатли МХХ зобити, Республика хизматнинг моддий таъминот бошқармаси (моддий таъминот ишлар бошқармаси) раҳбари ўз жонига қасд қилган, зобитнинг миллати рус бўлган.

Маълумотларга кўра, ўз мансабини суистъмол қилиб, давлатнинг қатта маблағини ноқонуний равишда ўзлаштирган ва йирик молиявий жиноятга қўл урган. МХХнинг айрим ходимларининг маълумотига кўра, юқори мартабали зобит ўз жонига қасд қилиниши ундан ҳам юқори турувчи зобит томонидан буюрилганлиги ва агар, ўз жонига қасд қилмаса, барча қилган жиноятлари очилиши мумкинлиги уқтирилгани айтилади.

Биз ушбу маълумотларга янада аниқлик киритиб, хабарни тўлдириб борамиз. Кузатиб боринг.

ЎХХ хабарлар бўлими

Тобут одамлар елкасида қўлма қўл борар, бир қизалоқ нималар бўлаётганини тушунмай «Адажон, менам бораман», деб эргашиб йиғламагани хам йиғлатарди. Қизалоқ отасини қаерга олиб кетишаётганини билганда шундай дермиди? Майитни қабристонга қўйиб келишди хамки қизалоқ йиғидан тўхтамади, хар бир эркакка ёпишиб, адажонисини сўрарди:

«Адажоним қани, нимага сизлар билан келмади?»

Аммо ҳеч ким унга адажонингни кўмиб келдик дея олмасди. Юрагим тўлиб, сабрим чидамай, унга бир нималар дегим келди. Аста бориб, қизчанинг қўлидан тутдим. У умид билан менга тикилди. Кўзларининг ичи қизариб, юраги қўйиб, лаблари ёрилиб кетибди. Бир чеккага бошладим. У саволларига жавоб берадиган одамни топиб олгандек жон деб менга эргашиди. Сув ичирдим, сал ўзига келди. Пинжимга тикилиб, оғир хўрсинди.

— Аллоҳни биласанми қизим? деб бармоқларим билан сочларини тардим.

У менга шошиб қарадида.

-Аллоҳ битта, адажоним айтган,- деди бийронгина қилиб.

-Адажонинг шунақа деган бўлса, у солих одам экан,- дедим, эслаб кўрчи адажонинг яна нима деган?

— Аллоҳни айтганини қилиш керак..

— Эй, баракалла,- дедим қувониб,- сен мен ўйлагандан хам ақлли қиз экансан. Адажонинг тўғри айтибди. Аллоҳнинг айтганини ҳамма қилиши керак. Мана Аллоҳ адажонингни олдига чақирди. Адажонинг Аллоҳни айтганини қилиб хўп деб кетди.

— Лолани адасини нимага чақирмади?

— Унақа деб бўлмадида



Жаннатга мен ҳам бораман

қизалоғим, Аллоҳ ўзи хоҳлаган одамларини чақириб олади, сенинг адажонингни хоҳлабдимиз, шунга чақириб олди.

— Аллоҳ адажонимми яхши кўрадимиз?

— Бўлмасамчи, сендек қизчасига Аллоҳни танитди-ю, ёмон кўрадимиз?

— Аллоҳ жаннатда турадимиз?

— Воҳ жаннатниям биласанми?

— Биламан адажоним айтганлар, Аллоҳни айтганини қилсанг жаннатга тушасан деганлар.

— Айтдимку, адажонинг ростанам солих одам экан.

— Адажоним қайтиб келадими?

— Ана холос, жаннатга ҳамма кирсам дейди, сен қайтиб келишни хоҳлайсанми?

— У ерда адажоним касал бўлмайди?

— Бўлмайди!

— Ойим билан кўргани борамизми?

— Аллоҳ хоҳласа вақти келиб борасизлар қизим.

— Қачон борамиз?

— Аллоҳ чақиргандада асалим.

— Қачон чақиради?

— Унисини билмадим, қачон чақиришни Аллоҳнинг ўзи билади.

— Лола адажонимни сўраса жаннатга кетган, дейми?

— Ҳа, ҳа... ИншоАллоҳ шундай дегин, доно қизим. Энди менга айтчи, адажониси жаннатга кетган қизлар йиғлайдимиз, йиғламайдими?

У иккиланиб бош қимирлатди. Йиғламасликка ваъдасини олдим. Уч кун аза ичида қизчани кузатдим.

У йиғламади!!

Абдуқодир Сагтор

Тарих фанлари доктори, профессор Роберт Ланда Ситсилия оролига қилган саёхати чоғида бу ердаги Буккери қишлоғига қўнди ва, табиийки, олимларга хос қизиқувчанлиги туфайли қишлоқнинг тарихи билан қизикди.

Ситсилияда Бухорий қишлоғи

Маълум бўлишича, «Буккери» дегани «бухорий» сўзининг бузиб айтилган шакли бўлиб, тўққизинчи-ўнинчи асрларда Бухоридан келган бир жамоа оролни маскан тутган экан. Бухорийлар олис Италиядаги бу оролга қандай бориб қолишган? Тарихдан маълумки, милодий саккизинчи асрда мусулмонлар Ситсилияни фатҳ этишди ва 1091 йилгача бу ерда ҳукмронлик қилишди. Фотиҳлар орасида араблар, барбарлар, занжи африқоликлар ва бошқа Ислом мамлакатларининг вакиллари бўлган. Италия шарқшуноси Микеле Амарнинг ҳисобига кўра, ҳозир оролда бир вақтлар

мусулмонлар барпо этган ёки эгаллаган шаҳар ва мавзеларнинг арабча 328 номи ҳамон сақланиб қолган.

Мусулмонларнинг кемалари Ситсилиядаги истехкомлари ёрдамида Италия, Франса, Испания

соҳилларига Ислом даъвати билан етиб борди. Айни пайтда оролда мусулмонлар ҳукмронлиги ўрнатилганидан кейин қишлоқ хўжалиги гуллаб-яшнади, сунъий суқориш кенг қўлланила бошлади. Ўша пайтда бутун Оврупага нотаниш бўлган пилла, пахта, шакарқамиш, шоли, пўртаҳол, лимун, хурмо етиштириш йўлга қўйилди. Бу ерда навшатир олишди, йирик темир кони очилди. Мусулмон Ситсилияси қўшни ўлкаларни озиқ-овқат, газлама, қурилиш ёғоч-тахтаси билан таъминлай бошлади. Оролнинг араб тожирлари Неапол, Салерно, Амалфо ва Италия жанубидаги

бошқа савдо шаҳарларида муқим жойлашиб олишди. Шоир ва сайёҳлар Ситсилия боғлари, дарёлари, фаввораларини, бу ерда ўтказиладиган мусулмон байрамларининг жозибасини басма-басига куйлашарди.

1061—1091 йилларда оролнинг тинчи бузилди. Италия жанубида ўрнаша бошлаган норманларга қарши қаттиқ кураш олиб боришга тўғри келди. Норманлар охири оролни босиб олишди. Бироқ Ситсилиядаги араб-Ислом маданиятининг кучи ва унинг босқинчиларга таъсири шунчалик катта эдики, ҳокимият алмашуви ҳам ҳеч нарсани ўзгартира олмади. Шаҳарлик мусулмонларнинг анчагина қисми оролни тарк этиб, Миср ва Мағриб ўлкаларига кўчиб кетган бўлса-да, норманлар давлатида араб тили ва маданияти гуллаб-яшнаверди. Мусулмонлар ҳамон муҳим вазифаларни эгаллаб туришарди.

(Давоми кейинги саҳифада)

(Давоми: Боши олдинги саҳифада)

Араб хунармандлари ва тожирлари ўз имтиёзларини, шу жумладан, Ислом динига эътиқод қилиш эркинлигини сақлаб қолишди. Улар яшаётган маҳаллаларда масжидлар ҳамон кўкка бўй чўзиб турарди. Норманлар ўз армияларида мусулмон жангчилар ва араб муҳандисларидан фойдаланишарди.

Норманлар хукмронлиги даврида (1091-1194) Ситсилияда мусулмон кийимлари, араб тилидаги ёзишмалар, мусулмон тақвими саналари ва Курьон оятлари зарб қилинган тангалар кенг тарқалган эди. Саройда араб мударрислари ва сўз усталари хизмат қилишарди.

Ўн иккинчи асрда қирол Рожер Иккинчи саройида улуг араб олими Абу Абдуллоҳ ал-Идрисий истиқомат тутган эди. Мағрибда туғилган, хулафои рошиддиннинг тўртинчиси ҳазрати Алидан таркаган идрисийлар вакили бўлмиш бу олимни кейинчалик Ислом дунёсида “Аш-шариф ас-сақолий” (шарафли ситсилиялик) деб атайдиган бўлишди. Унинг қаламига мансуб “Хайратга тушган сайёҳнинг турли ўлкалардаги машғулоти” номли китоб ўша пайтдаги жуКрофий асарларнинг энг мўтабар ва ишончлиси бўлиб, узоқ асрлар мобайнида мусулмон ва насроний олимлар орасида илмий қимматини йўқотмай турди.

Ситсилиядаги араб-Ислом маданияти ўн иккинчи-ўн учинчи асрларда, айниқса, бир пайтнинг ўзида Олмония императори ва Қуддуси шариф қироли бўлган Фридрих Иккинчи даврида гуллаб-яшнади. Унинг саройида араб шеърят, мусикаси, урф-одатлари хукмрон эди. Қирол бир қанча мусулмон олимлари ва файласуфларига ҳомийлик қилди, ўзи чин мухлиси бўлган Ибн Сино ва Ибн Рушд асарларини арабчадан лотин тилига ўгиришга фармон берди. Ўн бешинчи асрга келиб Ситсилияда араб тили йўқолиб кетса-да, араб-Ислом ҳазорасининг оролдаги таъсири узоқ вақт муҳрланиб қолди. Унинг излари аҳоли масканлари номларида, тил лаҳжаларида, айрим урф-одатларда, оролнинг ҳозирги фуқаролари тарихий хотирасида сақланиб қолган. Оролдаги Бухорий қишлоғи ана шу олис тарихнинг бир шуъласидир.

Аҳмад ТУРСУН
Манба: e-tarix.uz

Йигирма йилда нима ўзгарди?!

Йигирма йил олдин, йигитлар қизларга мен сизни севаман деса, қизлар уялиб жавоб бермас эди.

Энди қизлар мен сизни севаман деяпти.

Йигирма йил олдин, аёллар ресторани ёки кафеларга қадам босмас эди, энди оталар чойхонасида уялмай қаҳ-қаҳа отиб ўтирибди.

Йигирма йил олдин аёллар машина орқа ўриндиғида қимтини ўтиришар эди, энди эрларини ёнига ўтиргизиб олиб машинани ўзлари бошқаришарди.

Йигирма йил олдин, аёллар тўйга кетган эрларини «ичиб келмасин-

да», деб хавотир олиб ўтиришарди, энди тўйга бориб ичиб келишарди.

Йигирма йил олдин, аёллар кўчада тўпланиб турган эркеклар олдида уялиб ўтиб кетишар эди, энди тўпланиб турган эркеклар уялиб ерга қараб туришибди.

Йигирма йил олдин, бошланг юрган аёлни кўрсак, «бошига бирор нарса ўраб олса бўлмасмикан, замонни кўриб турибдику», деб айтардик, энди рўмол ўраган аёлни кўрсак «шуни ўрамаса нима бўлар экан, замонни кўриб турибдику», деяпмиз.

Айб кимда?

Манба: Facebook.com

Ўзбекистонда муҳофаа тузилмалари бирлаштирила бошланди

Ўзбекистон Муҳофаа вазирлигига қарашли ҳарбий қисмлар белгиланган вазифасига қарамасдан бошқа қисмлар билан бирлаштирила бошланди, дея хабар беради вазирликдаги манбалар.

“Жумладан, жорий йилнинг февраль ойидан бошлаб, оммавий чиқиш ва ғалаёнларни бостиришга мўлжалланган Мобил операциялар батальонлари (МОБлар) оддий Махсус вазифали отрядлар (СПЕЦНАЗлар) билан бирлаштирилди”, дейди манбалар.

Уларнинг айтишича, бунга молиявий ва моддий таъминот билан боғлиқ қийинчиликлар сабаб бўлмоқда. “Шу сабабдан, ҳаттоки шататларнинг қисқартириш ишлари бошлаб юборилган. Қисқартиришга номзодлар қаторида биринчи бўлиб

пенсия ёшига етган ҳарбийлар турибди. Уларни ими-жимиди қисқартириб юборишса, ҳам вазирлик ва ҳукумат ҳам маошдан, ҳам кейинчалик катта миқдордаги пенсия тўловларидан қутулади”, дейди вазирликдаги манбалар.

Охириги икки йил давомида Россия ва Қозоғистонда АҚШ доллари нарҳининг кескин кўтарилиб кетиши натижасида ўзбекистонлик ишчилар ўз ватанига юбораётган пуллар миқдори ҳам кескин камайиб кетган эди. Асосан шу пуллар ҳисобидан кун кечираётган “зато тинчили!” чиларнинг иқтисодиёти ўз ҳарбийларини маош ва пенсия билан таъминлашга ҳам қурби етмай қолган кўринади.

ЎХХ ахборот бўлими

Ўзбек зиёлисининг башараси

«Юртимизни фақат милиция, армия ёки СНБ эмас, биз санъат аҳли ҳам қўриқлашимиз керак!» деди актёр Теша Мўминов Ўзбекистон миллий матбуот марказида 10-март куни бўлган “Ким эдигу ким бўлдик, эртага қандай юксак марраларни эгаллашимиз керак?” мавзусидаги йиғинда.

Яна битта актёр Мирза Азизов эса янада конкретроқ гапирди қўйди: «Юртимиздаги тинч ва осудаликни турли диний радикаллар бузаман деб турганда, нега энди баъзи ҳамкасбларимиз, «Мажлис қисқарок бўлсин, камроқ гапиринглар, тўйимиз бор» деб

туришса, энг аввало бизни, яъни санъаткорларни тарбиялаш керак экан, дейман» деди актёр...

Актёр 2005 йилдаги Андижон воқеалари ҳақида гапириб, «Акримийлар халқимизни автоматлар билан мажлисга олиб чиқди ва уларни ўзлари отиб, аскарлар олди деди. Биз мана шу ҳақиқатни халқимизга етказишимиз керак!» деди..


Унинг бу гапига ва Теша Мўминовнинг нутқидаги шиддатга қараганда, юқоридан топшириқ қаттиқ бўлганга ўхшайди.

Улуғбек Ашур

(Давоми: Боши олдинги сонда)

Грегор ҳашаротга айланганига бир ойча ўтиб, синглиси унинг турқига анча кўниккандай бўлди. Лекин бир куни одатдагидан сал эртароқ келган қиз деразага тикилиб турган Грегорни кўриб, хонага кирмадигина эмас, балки даҳшат ичида ортга тисланди ва эшикни қарсиллатиб ёпди. Дераза эшикка яқинлигидан Грегор кираётган одамга халақит бериши табиий эди. Аммо четдан қараганда Грегор худди синглисини тишлаб олиш учун писиб тургандай кўринарди. Албатта, Грегор дарров диван тагига кирди, аммо синглиси бир неча соат унинг хонасига қадам босмади. Фақат тушга яқин қиз хавфсирабгина эшикни очди. Грегор шўрлик синглисининг ҳалигача кўниколмагани, диван остидан чиқиб турган ярим танани кўриб, ура қочмаслик учун қиз иродасини ишга солиши кераклигини яхши биларди. Грегор синглисини бу қўрқинчли манзарадан халос этмоқ учун чойшабни дивандан осилтириб — бу ишга тўрт соат кетди — ўз устига шундай ёпдики, синглиси энгасиз ҳам уни кўролмас эди. Агар қиз акасида кўркмас, яширинишнинг хожати йўқ деб ҳисобласа, чойшабни йиғиштириб қўяверсин. Ахир, Грегор буни ўзи учун қилмади-ку. Лекин сингил чойшабга тегмади. Ҳатто Грегор чойшаб четини кўтариб қараганда, синглисининг миннатдор нигоҳини кўргандай бўлди.

Дастлабки икки ҳафтада ота билан она Грегорнинг хонасига киришга журъат қилмаган эдилар. Лекин аввалари ота-она назарида ношуд қиз ҳисобланган, кўп сўкиш эшитадиган синглисини ота ҳам, она ҳам энди тез-тез мақтаб қўядиган бўлдилар. Қиз Грегорнинг хонасини йиғиштираётган пайтда ота-она эшик олдида туришар ва у чиққан заҳоти хонанинг кўринишидан тортиб, Грегорнинг нима еганича, ўзини қандай тутгани-ю, тузалишига умид қилса бўладими, йўқми — ҳаммасини суриштира бошларди. Ҳар қалай, Грегорни кўриш истаги онада эртароқ пайдо бўлди. Лекин ота ва қиз уни ҳар хил баҳоналар билан йўлдан қайтармоқчи бўлдилар; буни эшитиб турган Грегор уларнинг фикрини маъқуллади. Бир неча кун ўтгач, кўриш истаги кучайиб онани куч билан ушлаб турадиган бўлишди.



Франц Кафка. Эврилиш (ҳикоя)-5

Грегор ота-онасини ўйлаб кундуз кунлари деразага тирмашмасди. Аммо бу катакдай хона полида ҳадеб судралавериш унинг жонига тегди. Кечаю кундуз қимирламай ётиш ундан баттар. Ҳатто овқат ҳам унга ёқмай қолган эди. Шунинг учун Грегор ўзини овутириб, шифт ва деворда ўрмалаб юрадиган бўлди. Айниқса, шифтда осилиб туриш унга ёқиб қолди. Бу усул полда судралишдан фарқ қилиб, Грегор эркин нафас олар, танаси ажиб бир паришонликда солланар экан, роҳатдан гоҳо ўзини унутиб, полга шалошлаб йиқилганда, бунга ўзи ҳам ҳайрон қолар эди. Лекин у тезда гавдасини идора қилишга ўрганди. Энди қанча баланддан йиқилмасин, ўзига зиён етказмасди. Синглиси Грегорнинг янги машғулоти топганини дарров сизди (у ўрмалаган жойда елимсимон суоқлик қоларди) ва акасининг бемалол ўрмалаши учун хонадаги мебелни — сандиқ ва ёзув столини — ташқарига чиқаришга қарор қилди. Лекин бу ишни ёлғиз ўзи бажаролмасди. Янги ёлланган ўн олти яшар хизматкор қизнинг ёрдам бериши ҳам гумон (У қўрққанидан ошхона эшигини доим ичидан қулфлаб олар, фақат овқат пайтидагина очарди). У отасини чақиришга ҳам журъат этмади. Шунинг учун сингил отаси йўқлигидан фойдаланиб, онасини таклиф қилди. Она аввалига ҳаяжон ичида нималардир деб ўғлининг ётоғи томон кела бошлади, аммо эшикка яқинлашганда бирдан

жим бўлди. Грегор шоша-пиша чойшаб ортига беркинди. Чойшаб табиий, худди биров ташлаб қўйгандай, табиий осилиб турарди. Лекин Грегор бу сафар унинг четини кўтариб қарамади. У онаси келганидан хурсанд эди, аммо — ҳозирча — уни кўриш имкониятидан воз кечди.

— Киравер, у кўринмаяпти,— деди сингил ва онасини етаклаб кирди. Грегор бу заифларнинг оғир сандиқни ўрндан кўзгатишга уринганини эшитди. Синглиси Грета онанинг «Кўй, майиб бўласан» дейишига қарамай, ишнинг оғир қисмини ўзи бажараётганини ҳам билиб турди. Улар чорак соат куйманиб, ҳеч нарса қилолмагандан сўнг, онаси: сандиқ ўз жойида тургани маъқул, деди. Биринчидан, деди онаси, сандиқ оғир, отасининг ёрдамисиз уларнинг кучи етмайди, иккинчидан, сандиқ хона ўртасида турса, Грегорга баттар халал беради. Кейин, мебелни чиқариб қўйсақ, Грегор кўнглига олмасмикан? Менимча, деб давом этди онаси, Грегор хафа бўлади, масалан, менга шип-шийдан девор ёмон таъсир қилади: демак, Грегорга ҳам ёқмаслиги табиий, қолаверса, Грегор бу мебелга кўниккан, агар уни олиб қўйсақ, Грегор бўм-бўш хонада ўзини ташландиқ ҳис қилмайдими?

— Ахир, — деб яқун ясади она (у Грегорнинг яширинган жойини билмаса ҳам, унинг одам тилига тушунмаслигига қаттиқ ишонса ҳам, шунчалик секин гапирардики, гўё Грегорга товушини эшиттиришдан ҳам кўрқарди), — ахир, биз мебелни олиб қўйишимиз Грегорнинг тузалишига ишонмай, уни бераҳмларча ўз ҳолига ташлаганимизни билдирмайдими? Менимча, хонани қандай бўлса, шундай қолдирган маъқул, токи Грегор ўз ҳолига қайтганда, хонанинг аввалгидай турганини кўриб, букунларни эсидан чиқарсин. Онасининг гапларини тинглар экан, Грегор ўзини аксинча — бўм-бўш хонада яхши ҳис қилишини эслади. Бу ғалати эҳтиёж одамлар билан бевосита алоқа қилмай ақли пароканда бўлганидан келиб чиққандир, деб ўйлади Грегор. — Наҳотки, мерос мебеллар билан безатилган бу шинам хона қоронғи ғорга айланишини Грегор истаса? Тўғри, бўш хона унинг ўрмалашига қулай, аммо у хувиллаган деворлар ичида ўзининг инсоний ўтмишини

(Давоми кейинги саҳифада)

(Давоми: Боши олдинги саҳифада)

бутунлай унутиши мумкин. Агар ҳозир уни онасининг гаплари ҳушига келтирмаганда, у анча-мунча нарсани ҳақиқатан ҳам унутаёзган эди. Йўқ, ҳаммаси ўз ўрнида қолсин. Хонадаги мебель унинг дардига даъво бўлади, майли, ўрмалашига халал берсин, бари бир бу ҳам фойдали — маънисиз, шунчаки ўрмалашнинг нима кераги бор.

Аммо синглиси бошқача фикрда эди. У Грегор аҳволининг билимдони сифатида унга тегишли масалалар бўйича фақат ўзи гапирарди. Ҳозир ҳам онасининг маслаҳатини рад қилиб, наинки сандик, дивандан бошқа (диван Грегорга чиндан зарур эди) ҳамма нарсани ташқарига олиб чиқишни талаб қилди. Бу қилиқ синглисининг кейинги кунларда қилган ўжарлиги ёки такаббурлигидан эмасди. Йўқ, у Грегорнинг ўрмалаш учун жой кераклигини, қолаверса, Грегор мебельдан мутлақо фойдаланмаслигини кўриб турарди. Балки бу Грета ёшидаги қизларга хос кизикқонлиқдир. Нима бўлса ҳам, Грета акасига янада яхшироқ хизмат қиламан деб унинг аҳволини баттар оғирлаштираётганини ўзи билмасди. Зеро хона бўм-бўш бўлиб, унда Грегордан бошқа ҳеч ким бўлса, бунақа жойга Гретадан ўзга одам қадам босолмасди.

Бу фикр Гретанинг иззат-нафсини алқар ва шу сабаб онасининг маслаҳатига кўнмади. Онаси бу хонада ўзини бегона ҳис қилиб, кўрқа-писа Гретага ёрдам бера бошлади. Майли, сандикни опкетишсин, аммо ёзув столи қолиши керак, деб ўйлади Грегор. Она ва қиз, икковлон хансираб, сандикни зўрға қўшни хонага ўтказганда, Грегор диван тагидан бошини чиқарди. У эҳтиёткорлик билан, мулойимлик билан бу калтис ишга аралашмоқчи эди. Аммо, бахтга қарши, Гретани нариги хонада қолдириб, онаси қайтиб келди. У Грегорни кўрса касал бўлиб қолиши ҳеч гап эмасди, шунинг учун Грегор дарҳол тисланиб, диван тагига кира бошлади ва осилиб турган чойшаб ҳаракатга келди. Бу онасининг диққатини жалб этди, у такқа тўхтади-да, бир зум қотиб қолди, кейин нариги хонага чиқди. Грегор уйда давом этаётган шовқинни тинглаб, шунчаки нарсалар ўрнини алмаштиришяпти, деб қанча ўйламасин, бу икки аёлнинг тинимсиз қадамлари,

Франц Кафка. Эврилиш (ҳикоя)-5

шивирлашларию мебелнинг полда сирғалишлари — Грегорга катта ағдар-тўнтар бўлиб туюларди. У боши ва оёқларини танасига, танасини полга қапиштирганча, дир-дир титраб ётаркан, бу шовқинга узоқ чидай олмаслигини англади. Улар Грегорнинг ётоғини шипшийдан қилиб, унга азиз бўлган барча нарсани тортиб олмоқда эдилар. Дурадгорлик усқуналари солинган сандикчани аллақачон олиб чиқишди. Энди столни, оёғи чириган полга кириб кетган ёзув столини юлқий бошладилар. Бу столда Грегор дарс қиларди. Савдо билим юртида, ҳатто хўжалик ўқув юртида таълим олаётган даврида ҳам шу столда дарс тайёрлаган. Буни эслаб, Грегор аёлларни ҳам, уларнинг қилаётган ҳимматини ҳам унутди, (улар чарчаганидан ниҳоятда жим ишлар, фақат оёқ товушлари эшитиларди). Грегор диван остидан отилиб чиқди. Бу пайт аёллар қўшни хонада ёзув столига суяниб, нафас ростлардилар. Грегор биринчи навбатда қайси нарсани қутқариш кераклигини билмай, кўзи деворда қолган яккаю ягона портрет — мўйнали хоним расмига тушди ва деворга тирмашди. Ўрмалаб бориб, портретни танаси билан бекитди. Бу тўртбурчак ромнинг муздай шишаси уни қорнига босилиб, роҳат бағишларди. Ҳарҳолда Грегор бу суратни, ўз танаси билан бекитган бу портретни ҳеч ким тортиб олмаса керак. У бошини буриб, меҳмонхона томонга қаради.

Аёллар озгина дам олиб, дарров қайтишди: Грета онасини деярли суяб келар эди.

— Энди нимани оламиз? — деди Грета ва... кўзи деворда осилиб турган Грегорнинг кўзига тушди. Агар Грета ёлғиз бўлса, кўркувдан ўзини тутаолмаган бўларди, аммо ҳозир ўзини тутди, титраб-қақшаб, онаси томон энгашди, унинг Грегорни кўриб қолишини истамай, нима гапирганини ҳам билмади.

— Бир минутга нариги хонага чикмаймизми, а? — деди у.

Грегор синглисининг мақсадини тушунди: у онасини хавфсиз жойга ўтказиб, Грегорни девордан ҳайдамоччи. Майли, уриниб кўрсин, қўлидан келармикан. Грегор портретнинг устида турибди — уни ҳеч кимга бермайди. Синглисининг юзига ёпишса-

ёпишадикки бермайди.

Аммо Гретанинг овозидаги титроқ онани сергаклантирди ва у қизидан чекилиб, деворда баҳайбат, қўнғир хашаротни кўрди. Бу Грегор эканлиги хаёлига келмасданок бор кучи билан «Оҳ, худойим-эй!» деб чинкирди-ю, заиф қўлларини ёйганча диванга ўтириб қолди.

— Хап саними, Грегор! — деб ўшқирди кўзлари олайган Грета ва акасига мушт ўқталди. Бу сўзлар хашаротга айлангандан бери биринчи марта бевосита Грегорга қаратилган сўзлар эди. Грета онасини ҳушига келтирадиган дори излаб, қўшни хонага чопди. Грегор ҳам (портретни сақлаб қолишга ҳали вақт бор эди) онасига ёрдам беришни истади. Лекин у портретга қаттиқ ёпишган эканми, оёқларини ундан зўрға узди ва пастга тушиб, қўшни хонага ўтди. Бир пайтлардагидай у синглисига маслаҳат бермоқчи эди, аммо ҳозир унинг орқасида ялпайиб туришдан бошқа ҳеч нарсага ярамади. Ҳар хил шишаларни олиб, саралаётган қиз, ортида турган Грегорни кўрдида, кўрқанидан бир шишани тушириб юборди. Шиша чилчил синди ва унинг парчаси Грегорни яралади, юзига аччиқ дори сачради. Грета ҳаялламай, қолган шишаларни олдию онаси ёнига югурди. Хонага кириб, оёғи билан эшикни ёпди. Грегор энди онасидан, унинг айби билан ўлишга сал қолган онасидан узоқда. Аслида, у эшикни очмаслиги керак эди. Грета бўлса онасини ёлғиз қолдириб бекор қилди. Грегорнинг энди кутишдан бошқа иложи йўқ. У минг пушаймон билан изтиробга чидай олмай, деворларга, мебель ва шифтга тирмаша бошлади. У шундай тез ўрмаладики, боши айланиб, катта столнинг қоқ ўртасига шалоплаб йиқилди. Грегор бир лаҳза мадорсиз ётди. Атроф жцмжит эди. Бу сукунат яхшилик аломатидай туюларди. Лекин бирдан қўнғироқ жириглади. Хизматкор қиз ошхонани бекитиб олгани учун эшикни Грета очишига тўғри келди.

Келган отаси эди.

(Давоми келгуси сонда)

<p align="center">“ERKIN YURT” интернет-газетаси Ўзбекистон Халқ Ҳаракати расмий нашри www.uzxalqharakati.com/erkinyurt Мухаррир: Нурбек Саломов</p>
